

Қўшни саволига жавоб ололмаганидан ҳайрон бўлиб, Д.Худайқуловнинг уйига кирди. Ерга ётган хонадон соҳибини кўриб, танасини кўтармоқчи бўлди. Аммо унинг аҳволини кўриб, қўрқиб кетди.

Бош ҳисобчининг айтишича, банк бошқарувчисига учрашгач, кредит ажратилиши чўзилиб кетганини билдириб, тезлаштиришни илтимос қилибди. Бошқарувчи бўлса кўрсаткич бармоғи билан бир ишорасини қилибди ва шунча берсанглар, кредит ажратилади дебди.

Mustaqillik huquq demakdir



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2013-yil 11-iyul, №28 (861)

Бош прокуратурада

Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия йиғилиши

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия йиғилиши бўлиб ўтди.



Йиғилишда мактабгача таълим муассасаларида болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш, соғломлаштириш, ушбу муассасаларда санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш ҳамда моддий-техника базасидан оқилона фойдаланишга оид қонун ҳужжатлари ижроси аҳволи ва бу борада Жиззах ва Самарқанд вилоятларида амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди.

Мажлисда мамлакатимизда вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш, шу жумладан, болаларни мактабгача таълим муассасаларида тарбиялаш ва уларга таълим бериш, соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада мутаассадди идоралар томонидан кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганлиги, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини кафолатли таъминлашда Ўзбекистон Республикасининг "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Таълим тўғрисида"ги ҳамда "Қадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги Қонунлари мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор вазифасини ўтаётганлиги таъкидланди.

Шунинг билан бирга, йиғилишда мактабгача таълим муассасаларига болаларни қабул қилишда белгиланган тартиб ва меъёрларга қатъий амал қилиш, аҳолининг мактабгача таълимга бўлган эҳтиёжларини қондириш, мактабгача ёшдаги болаларни тўлақонли жисмоний ва ақлий ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларни янада яхшилаш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, мактабгача таълим тизимини малакали кадрлар билан таъминлашда, мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техника базасини яхшилашда ҳамда санитария-гигиена ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этишда айрим камчиликларга йўл қўйилганлиги танқид қилинди.

Қўн тартибидagi масала юзасидан комиссия раисининг ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ва

зири У.Иноятовнинг ҳисоботи эшитилди.

Бундан ташқари, мажлисда умумтаълим мактаблари битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ жалб қилиш ҳамда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилганлиги таъкидланиб, бу борадаги фаолият самарадорлигини оширишга келишилди, шунингдек, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар олдида турган бошқа долзарб вазифалар ва устувор йўналишлар белгилаб олинди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Комиссия йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Баситханова иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия

Жорий йилнинг 5 июль куни Бош прокуратурада Европа Иттифоқининг Ўзбекистон Республикасидаги делегацияси раҳбари — элчи Юрий Штерк қабул қилинди.

Европа Иттифоқи делегацияси ташрифи

Акбар САИДУРОДОВ,
Бош прокуратура бўлими прокурори

Бош прокурор ўринбосари Х.Халимов томонидан меҳмонга давлат раҳбари Ислам Каримовнинг бевосита раҳбарлиги остида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш борасида босқичма-босқич амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари ҳақида маълумот берилди.

Ислохотлар жараёнида прокуратура органлари фаолиятида инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Делегация аъзолари прокуратура органларининг мақоми ва тизими, унинг ҳуқуқни муҳофаза қилишга қаратилган фаолиятининг асосий йўналишлари ва ваколатлари ҳамда Бош прокурорнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг амалга оширилиши билан таништирилди.

Шунингдек, меҳмонларга Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ҳамда Бош прокурор раҳбарлиги қўлаётган Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ҳамда Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идораларо комиссиясининг фаолияти ҳақида маълумот берилди.

Ю.Штерк келтирилган маълумотлар учун миннатдорчилик билдириб, Марказий Осиёда ҳамкорлик, инсон ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаоли-

ятининг такомиллаштирилиши масалаларида Европа Иттифоқи олиб бораётган сиёсат, шунингдек, "Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислохотларига қўмаклашиш" лойиҳасини қўллаб-қувватлаш ҳақида таъкидлаб ўтди.

Томонлар ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши юзасидан фикр алмашиб, ўтказилаётган тадбирлар Ўзбекистон ва ЕИ ваколатли органлари ўртасида тажриба алмашишга, ходимлар малакасини оширишга қаратилганлиги билан муҳимлиги қайд этилди.

Шунингдек, суҳбат чоғида трансмилий уюшган жиноятчиликка, жумладан, терроризм, одам савдоси, наркотрафик ва коррупцияга қарши курашиш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги ҳамкорлик масалаларига тўғалганда, жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш соҳасида ЕИнинг айрим давлатлари (Чехия, Болгария, Латвия ва Литва) билан ҳуқуқий базанинг мавжудлиги ва уни янада ривожлантириш лозимлиги таъкидланди.

Музокаралар якунида томонлар келгусида ўзаро ҳамкорликнинг давом эттиришга тайёрлиги ва манфаатдор эканликларини билдиришди. Ю.Штерк дўстона руҳда ўтган қабул учун миннатдорчилик изҳор этди.

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

ЁШЛАР ШОДИЁНАСИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" шиори остида байрам тадбири бўлиб ўтди. Тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маданият ва санъат намояналари, фаол ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Президентимиз Ислам Каримов сўй-ҳаракатлари билан истиклол йилларида ўз қадр-қиммати чуккур англаган, мустақил ва эркин фикрлайдиган, илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштириб, замон билан ҳамоҳанг одимлайдиган соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Бу борадаги кенг қўламли ислохотларни ҳаётга таъбиқ этишда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳам фаол иштирок этмоқда. Ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларни тадбиркорликка жалб этиш, бандлигини

таъминлаш, ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳаракатнинг "Ёш тадбиркор — юртга мададкор", "Менинг бизнес-ғоям" каби лойиҳалари ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш, ишбилармон, изланувчан ёшларни қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Таниқли санъаткорлар, болалар ашула ва ракс ансамбллари, спорт усталарининг чиқишлари, театрлаштирилган томошалар тадбирга ўзгача фойз киритди.

Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари иштирокидаги анъанавий республика анжумани олдидан видеомулоқот ташкил этилди.

МЕҲР-ЭЪТИБОР НАМУНАСИ

Унда сенаторлар, депутатлар, тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, сиёсий партияларнинг вакиллари, маҳалла, хотин-қизлар кўмиталарининг фаоллари ва Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари иштирок этди.

Халқимизнинг энг улуғ ва азиз айёми — Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллиги арафасида Зулфия номидаги Давлат мукофоти сазовор бўлган қизлар иштирокида давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этилмоқда. "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" шиори остида ўтказиладиган ушбу тадбирларда мам-

лакатимизда баркамол авлод тарбияси, қамолоти, хотин-қизларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш йўлидаги чексиз меҳр-эътибор, амалий сўй-ҳаракатларининг моҳияти ва аҳамияти ёшларга кенг тушунтирилмоқда.

Видеомулоқот чоғида Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, халқимиз, жамият, Ватан олдидаги масъулиятини қўчайтириш, орзу-интилошларини ўрганиш, истеъдодли қизлар сафини кенгайтиришга оид амалий таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Ўз муҳбиримиз

Ҳаром луқма ош бўлмас

Равшанбек ФОЗИЛОВ,

Боғот туман прокурори ёрдамчиси

У яқин бироларини ҳам, биринчи бор кўриб турган, энди танишган оламни ҳам чув туширишининг ҳалисини олганди. "Алдар кўса"нинг тузогига илгинглар кейинчалик қанадай қилиб молларини унга икки қўллаб топшириб қўйганликларини билмамай, пешоналарини деворга уришарди. Унинг "усули" янгилик эмас, суҳбатдоши, савдогарнинг иштаҳаси қарнайлганини сезган заҳоти, бирланига икки-уч баробар фойла орттиришга қизиқтириб қўйиб, ўз хизматини тақлиф қиларди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдо-сотиғига "ихтисослашган", "ишонтириш саноати"ни мирлан-сиригача эггалган "Алдар кўса" қуруқ ваъдалар билан "қармоғига илгинглар"ларнинг қўйинини пуч ёнгоққа тўлаириб, бамай-хикотир юраверарди.

Тошлоқлик «Алдар кўса»

Ойбек ЮЛДОШЕВ,

Марғилон шаҳар прокурори ёрдамчиси

Ёзининг қоқ ўртаси, июль ойининг бошида у пойтахтнинг Бектемир туманидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улгуржи бозорига "ов"га чиқиб, навбатдаги "ўлка"ни излашга киришди. Таниши М.Дехқонова "Мухаммадраҳим-Собир" фермер хўжалиги раҳбаридан иссиқхонада етиштирилган помидорни насияга олаётганининг устидан чиқди. Аёлга "беминнат" хизматини тақлиф қилиб, уни авради. М.Дехқонова унинг тенг баробар фойда қиришингизга қафилман деган ваъдаларига учиб, пулини сотиб бергандан кейин тўлаш шарт билан салкам 3,5 тонна помидорни "Алдар кўса"га қўшқўлаб топшириб қўйди. Шу тариха муқаддам уч бор судланса-да бурнига сув қирмаган Элмурот Турсунов савдогар аёлни алдаб олган маҳсулотни Тошкентдан Марғилонга олиб келди. Бозорда чакана савдогарларга пулади-ю, М.Дехқоновага қайтиб қорасини кўрсатмади, телефон кўнгиракларига жавоб беришни ўзига эл кўрмади. Салкам 8 млн. сўмга қўйиб қолган савдогар аёл таниши, фермер хўжалигининг раҳбаридан "Элмуротни топгач, помидорнинг пулини бераман", дея яна бироз сабр қилишни сўради.

Элмурот Турсуновнинг қармоғига илгинглардан яна бири И.Хасанов эса унинг пулингизни эртага-индин бераман деган қуруқ ваъдаларини эшитавериб, тоқат тоқ бўлгач, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага ариза ёзди. Пихи қайрилган фарибгар бу танишини алдаб, 37 млн. 500 минг сўм савдо пулини бермай юрганини тан олишга мажбур бўлди. Тошлоқ туманининг Саҳда қишлоғида Э.Турсуновга нисбатан кўзатишган жиноят иши жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар судида қўриб чиқилди. Судланувчи тўлиқ иқроор бўлганидан ташқари, унинг айби жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмалари билан ҳам тасдиқланди.

— Бир неча йиллардан буён тери савдоси билан шуғулланаман, — деди суд мажлисида жабрланувчи И.Хасанов. — Утган йилнинг февраль ойида Элмурот тери маҳсулотларини сотиб бериб туриш борасида ўзининг хизматини тақлиф қилди. Дастлаб олган териларни сотиб, пулини кечиктирмай топшириб турди...

Шу тариха шеригининг ишончини қозонган Э.Турсунов йирик луқмага қўз олайтиради. И.Хасановни алдаб, 400 донна терини ўн кунда сотиб беришга ишонтиради. Терини машинага юклаб олиб кетиб пулади-ю, пулини беришни пайсалга солаверди. Орадан икки ярим ой ўтиб, ҳали-бери пулини ололмастлигига қўзи етган И.Хасанов ИИБга ариза ёзиб бергач, жиноят иши қўзғатилиб, фарибгар "Алдар кўса" қисбга олинади.

Суд ҳукми билан фарибгар Э.Турсуновдан жабрланувчиларга етказилган зарарлар ундириладиган бўлди, судланувчига эса қилмишига яраша жазо тайинланди.

Яхши яшаш иштиёқи, пул топишга бўлган интилиш ёмон ҳислат эмас. Истиқлол берган имкониятлар туфайли қўллаб юртолларимиз турли соҳаларда ўз ишбилармонликларини намойиш қилиб, яхшигина даромад қилмоқдалар. Шу бонс бугун барча хонадонлар замонавий жиҳозланган, аксарияти шахсий автомашинасига эга. Бундан фақат хурсанд бўлиш керак. Бироқ ачинарлиси, шундай қимсалар ҳам борки, улар пул топсам бас, қонунийми, ноқонунийми, ўғрилиқ орқалини ё бошқа, фарқи йўқ, деб ҳисоблайдилар. Бунлайлар "ҳаром луқма ош бўлмас"лигини англаб етмаганларидир.

Боғот шаҳарчаси "Хуррият" маҳалласида яшовчи Жасур Болтаев ҳали ўттиз ёшга ҳам тўлмаган. Шундай бўлса-да, ёш, чапдаст бу йигит маҳаллада ишбилармон, бойвачча сифатида ном қозонганига анча бўлган. Афсуски, унинг ишбилармонлиги сохта бўлиб чиқди. Аслида у тadbиркор эмас, балки жиноятчи эканлиги қонун ҳимоячиларининг саъй-ҳаракатлари билан фош этилди.

Жасур Болтаев 2007 йилдан буён ўзига тегишли "Газел" русумли автомашинада Россия Федерациясининг Волгоград шаҳрига одам ташиб билан шуғулланиб келар экан. 2009 йилда боғотлик Расул Атанйезов билан танишиб қолган Жасур, унинг илтимосига кўра, бир неча фуқарони Волгограддаги "Шахин" исмли шахснинг фермер хўжалигига олиб бориб қўяди ва у билан танишиб ҳам олади.

Йил охирида эса, Шахин деҳқончилиқ яхши бўлмаганлигини баҳона қилиб, уларга иш ҳақини кейин беришини айтади. Ишчилар жанжал кўтаргач, Жасур иш ҳақини ўзи олиб келиши ҳақида тилхат бериб, уларни уйларига келтириб қўяди. Бу Жасур Болтаевнинг кўрсатмасидан.

Лекин жабрланувчиларнинг кўрсатмалари сал бошқачароқ.

— Шахин бизни ўрмоннинг ичига яшириб қўяр эди. У ерда ишлаб юрганимизда ҳуқуқ ва эркинликларимиз чекланган, яъни эрталабки еттидан кечқурунги еттига қадар, 12 соатдан, айрим вақтларда эса 24:00га қадар ишлаган вақтларимиз ҳам бўлган. Қишлоғимизда яшовчи Атанйезов Юсуфбой ухлаб ётганда, иш бериб-чи Шахин нега ишламайсан, деб уни уриб, тан жароҳат ҳам етказди. Қиш совуғида ҳам ишлашга мажбур бўлганмиз. Мен ўзимни одам савдосининг жабрланувчиси деб ҳисоблай-

Навбатдаги ялпи мажлис

Зоҳид ХАТАМОВ,

СВОЖЖДЛҚК департаментининг Халқаро алоқалар бўлими бошлиғи

Бугун глобал дунёда халқаро терроризм, иқтисодий жиноятчилик каби жиноятлар авж олиб бормоқда. Табиийки, уларга қарши курашиш йўлида нафақат юртимизда, балки бутун дунёда зарур чора-тадбирлар кўриляпти. Айниқса, бу борала дунё давлатларининг ўзаро ҳамкорлик йўлидан бориши қилинаётган ишлар аҳамиятини янада ошироқда. 2013 йилнинг 16-21 июнь кунлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти ва Марказий банк вакиллари билан ташкил топган Ўзбекистон Республикаси делегацияси Осло (Норвегия) шаҳрида бўлиб ўтган Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашишда молиявий чораларни ишлаб чиқувчи Гуруҳ (ФАТФ)нинг навбатдаги ялпи мажлисида иштирок этиб қайтди.

Ялпи мажлисда Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашишда молиявий чораларни ишлаб чиқувчи Гуруҳ (ФАТФ) вакиллари, ФАТФда кузатувчи мақомига эга бўлган давлатлар ва ташкилотлар, Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосий Гуруҳи (ЕОГ)га аъзо давлатлар, шунингдек, ЕОГда кузатувчи мақомига эга бўлган йигирмадан ортқ давлат ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбошимча «тадбиркорлар»

Тадбиркорлик билан шуғулланиб, ҳам жамиятга, ҳам ўзига фойла келтирган яхши, албатта. Фақат амалга оширилаётган ишларнинг барчаси қонуний бўлиши шарт. Шунда ҳаммаси ўз йўлига раво кетади.

Азимбек Абдуганиев Самарқанд туманидаги "Қорасув" маҳалласи ҳудудида жойлашган дала ҳовлидаги 0,44 гектар ерга иссиқхона қурди. Мақсади булғор қалампири ва бодринг маҳсулотлари экиб, шунинг ортидан даромад топиш эди. Барчасини яхши бошлаган Азимбекнинг кейинги ишлари жамият манфаатларига эид бўлиб чиқди. У табиий газ тармоғига қонунга ҳилоф равишда уланиб, 2011 йилнинг 17 ноябидан 2013 йил 20 январигагача фойдаланиб келди. Натижада "Самарқандтумангаз" филиали манфаатларига жами 24 млн. 329 минг сўм миқдорда зарар келтирди.

Суд мажлисида А.Абдуганиев ай-

бига тўлиқ иқроорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, шунингдек, ижтимоий ҳавфи катта бўлган жиноят биринчи маротаба содир этилган инобатда олинди ва мазкур жиноят ишини ҳаракатдан тугатиш лозим деб топилди.

Тайлоқлик К.Маматкулова ҳам дала ҳовлисида 81 сотих жойда иссиқхона ташкил этган экан. Вазири Маҳкамасининг 2002 йил 20 мартдаги "Табиий газ етказиб бериш ва унинг учун ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори талабларига эид равишда рухсат олмадан фаолият юритган "тадбиркор" "Самарқандтумангаз" филиали би-

ман. Сабаби Болтаев Жасур бизни алдаб, ҳар ойда 7-8 минг рублдан иш ҳақи оласизлар, деб қиш совуғида ва оғир шaroитларда ишлатишда, иш ҳақимизни бермади, — дейди Файзулла Хўжамуродов ўз кўрсатмасида.

Умуман олган эса, Жасур Болтаевнинг алдовига учиб, одам савдоси қурбонига айланган фуқаролар 32 нафарни ташкил қиладди. Ачинарлиси, улар орасида аёллар ва вояга етмаганлар ҳам бўлиб, ҳаммалари Шахин исмли шахс фуқаролик паспортларини олиб қўйганлиги, Жасур Болтаев эса 7-8 минг Россия рубли миқдорида иш ҳақи ваъда қилиб, аммо бир сўм ҳам бермаганлиги, фақат қонун ҳимоячиларининг аралашуви билан иш ҳақларининг маълум қисмини ундириб олишга муваффақ бўлишганини билдиришган.

Нафс балосига гирифтор бўлиб, мўмай даромади деб ўз юртдошларини ўзга юртларда сарсон-саргардон қилган, қалтакларга, хўрликларга мажбурлаган Жасур Болтаевга суд ҳукми билан қилмишларига яраша жазо тайинланди.

Ялпи мажлис доирасида қабул қилинган ФАТФнинг янги тавсиялари ўрганилиши ҳамда амалиётда қўлланиши тартиби бўйича музокара олиб борилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, ялпи мажлис давомида янги қабул қилинган стандартларни жорий қилиш, жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш бўйича янги тартибни батафсил қўриб чиқиш, мақсадли таваққулчиликни йўлга қўйиш, солиққа оид жиноятларни предикатли ҳуқуқбузарликлар рўйхатига киритиш ҳамда коррупцияга қарши курашишда молиявий мониторинг механизмининг кучайтириш, бенефициар (даромад олувчи) эгаллигининг очиклик даражасини, шунингдек, бу борадаги халқаро тажрибани идоралараро мувофиқлаштиришни йўлга қўйиш бўйича ўзаро фикр ва тажрибалир алмашилди.

Бундан ташқари, мажлис давомида муҳим масалалардан яна бири — халқаро молиявий тизимга ҳавф туғдираётган мамлакатлардаги (ФАТФнинг қора рўйхатига кирувчи) вазият муҳокама қилинди.

Муҳокама натижалари бўйича ФАТФнинг қора рўйхатда бўлган давлатларга нисбатан халқаро молиявий тизимни жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш ҳавфидан ҳимоя қилиш мақсадида тегишли чоралар қўриш бўйича оммавий муножаат қабул қилинди.

Кувондиқ БЕКМИРЗАЕВ,

СВОЖЖДЛҚК департаментининг

Самарқанд вилоят бошқармаси

бўлим катта суриштирувчиси

лан шартнома тузмасдан ҳамда лойиҳа смета ҳужжатларини расмийлаштимасдан, 2012 йил 15 ноябрдан 2013 йил 22 январга қадар газдан фойдаланиб келган. Оқибатда "Марказгазтабминот" унитар корхонасига 26 млн. 521 минг сўм миқдорда зарар келтирган.

Суд К.Маматкулованин ўз айбига иқроорлиги, қилган ишидан пушаймонлиги, фуқаровий даъвогардан кечирим сўраганлиги ва етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлигини инобатга олди. Томонлар ярашганлиги сабабли мазкур жиноят иши юригудан тугатилди.

Таълим ҳақидаги қонун ижроси назоратда

Мақтаб энг олий даргоҳдир. Чунки у ерда ҳар бир бола ёзиш ва ўқишни ўрганиб, келажакда жамиятнинг етук шахси бўлиб вояга етишда бошланғич илмни олади. Бу борала эса уларга ушбу таълим масканида илм берадиган ўқитувчи-мураббийлар муҳим рол ўйнайди. Бунда ўқитувчи-мураббийнинг ўзи биринчи талла масъулиятли ва ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлиши лозим.

Вилоят прокуратураси томонидан Зафаробод туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига қарашли 14-сонли умумтаълим мактабида Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ижроси ва таълим муассасаларига бюджетдан ажратилган маблағларнинг сарфлаши қонунийлиги юзасидан мутахассислар иштирокида текшириш ўтказилди.

Текшириш натижалари мактабда бу борадаги қонун ҳужжатларининг ижроси талаб даражасида ташкил этилмаганлигини, идоравий таъсирчан назорат ўрнатилмаганлиги оқибатида бепарволик ва масъулиятсизлик муҳити вужудга келганлигини, натижада таълим соҳасига бюджетдан ажратилган маблағларнинг талон-торож қилинганлигини, ўқувчиларга номухтаассис ўқитувчилар дарс бериб, уларнинг қонуний манфаатларига зарар етказилганлигини кўрсатди.

"Таълим тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддасида умумий ўрта таълим билимларининг зарур ҳажмини беради, амалий тахриба қўникмаларини ривожлантиради, дастлабки тарзда касбга йўналтиришга ва таълимнинг навбатдаги босқичини танлашга ёрдам беради деб белгиланган. Бироқ мактабда ўқувчиларга зарур билим бериш ўрнига дарс соатлари ўтилмасдан қолган ҳолатлар мавжуд. Ўқитувчиларга ўтилмаган дарс соатлари учун, шунингдек, мактабда ишламаган шахсларга ҳам иш ҳақлари ёзилиб, таълим соҳасига ажратилган бюджет маблағлари талон-торож қилинган.

Хусусан, мактаб директори Р.Юлдашев 2010-2013 йилларда рус тили фанидан дарс соатлари ўтмасдан, амалда ўтилмаган дарс соатлари учун ўзига жами 3 млн. 129 минг 21 сўм ноқонуний иш ҳақи ҳисоблаб олган.

Шунингдек, мактаб директори ва илмий бўлим mudiri томонидан мактаб ўқитувчи-

ри малака ошириш институтида ёки касалик варақасида бўлган даврида ўриндошлик асосида номухтаассис ўқитувчиларга дарс соатлари юклатилиб, иш ҳақлари ноқонуний ҳисобланган. Масалан, 2011 йил декабрь ойида малака оширишда бўлган жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Ш.Жонзоқовнинг дарс соатлари кимё фани ўқитувчиси В.Ясқоқовага, 2011 йил ноябрь ойида математика фани ўқитувчиси Д.Элибоева касалик варақасида бўлган даврда унинг дарс соатлари кимё фани ўқитувчиси В.Ясқоқовага, тасвирий санъат фани ўқитувчиси Д.Примовга бошланғич таълим фанидан ўтилмаган 70 дарс соати учун, 3.Усмоновага ўтилмаган она тили ва адабиёт фанидан 28 дарс соати учун ва бошқа шу каби ҳолатларда ўқитувчиларга жами 2 млн. 342 минг 812 сўм иш ҳақи ноқонуний тўланган.

Булардан ташқари, мактабда Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг

2005 йил 21 декабрдаги 275-сонли "Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори юзасидан касб маҳорати юқори бўлган ва синфдан ташқари ишларда ўрнатилган кўрсатган ўқитувчиларни моддий рағбатлантириш маблағларининг сарфлаши текширилганда, 8 нафар ўқитувчиларга тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилмасдан, жами 564 минг 435 сўм моддий рағбатлантириш маблағлари ноқонуний тўлаб юборилгани аниқланди.

Шунингдек, Зафаробод туман ХТМФМТ ва ТЭ бўлимида тахассис маркази мутахассиси вазифасида ишловчи Х.Эшматова 2011 йил 1 ноябрда мактабга амалиётчи психолог сифатида ишга қабул қилиниб, мактабда ишласа-да унга 2012 йил 3 сентябрда қадар 835 минг 652 сўм иш ҳақи ноқонуний тўланган.

Мактаб директори томонидан ўқитувчи ва ишчи ходимлардан ноқонуний тарзда 2012 йил ноябрь ва декабрь

Аббор САЙЁТОВ,
Жиззах вилоят прокурори
ўринбосари

ойларида 10 ва 15 минг сўмдан пул маблағлари йиғиб олинган. Бундан ташқари, ўқувчилар томонидан топширилган металлор учун тўланган 1150,4 минг сўм пул металлор топширган ходимларга берилмасдан сақланаётганлиги аниқланди.

Юқорида қайд этилган қонунбузилишлари, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиги номига тақдимнома киритилди. Тақдимнома қўриб чиқилиб, мактаб директори ва илмий бўлим mudiri эғаллаб турган лавозимларидан озод этилди. Шунингдек, мактаб директори ва илмий бўлим mudiriдан давлатга етказилган 6,8 млн. сўм зарарни тўлиқ ундириб олиш ҳақида судга даъво аризаси киритилди.

Битирувчини иш билан таъминлаш — бугуннинг долзарб вазифаси

Мамлакатимизда Президентимиз томонидан ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида таълим сифати ва мазмунини янги босқичга кўтариш, рақобатбардор кичик мутахассис кадрлар тайёрлаш, замонавий ва аънавий касб-ҳунар сирларини пухта эғаллаган ёшларни иш билан таъминлаш масаласи давлат сиёсати даражасидаги устувор вазифа қилиб белгиланган. Ўз навбатида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг зарур билим ва қўникмага, малака ва тахрибага, ўз касби ва ҳунарини иш жараёнида қўллаш маҳорати ва лаёқатига эга бўлиши мустақил ҳаётга йўл олаётган ёшларнинг турли соҳаларда, маънавий бозорига муносиб ўрин топишида мустақам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Бунда касб-ҳунарни пухта эғаллаган битирувчилар билан уларнинг сифатли меҳнатидан самарали фойдаланишдан манфаатдор бўлган иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар ва ҳамкорлиқни янада яхшилаш, рақобатбардор, кичик мутахассис-кадрларнинг реал имкониятлари, билим савияси, малака ва иқтидорлари тўғрисида батафсил ахборот берувчи битирувчилар тақдимотларини ташкил этиш ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Самарқанд вилоят прокуратураси ташаббуси билан вилоят ҳокимлиги ва тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида "Обод турмуш йили" Давлат дастури ижроси ҳамда вилоятдаги касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш мақсадида "Мустақиллик бунёдкорлари" шиори остида "Энг яхши мутахассис", "Энг яхши бизнес лойиҳа" тақдимотлари юқори савияда, уюшқоқлик билан ўтказилди.

Унда касб-ҳунар коллежларида тайёрланаётган кичик мутахассис-кадрларнинг салохияти, билим ва малакаси, тайёрланаётган йўналишлар қўламини иш берувчилар ўртасида кенг тарғиб

этиш, бу орқали битирувчиларни эғаллаш касбига мувофиқ ишга жойлаштириш ва уларни тadbиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш назарда тутилган эди. Қўрик-танловлар жараёни билан яқиндан танишиш ва унда иштирок этиш мақсадида Самарқанд шаҳридаги тўққизта объектга касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, уларнинг ота-оналари, иш берувчи корхона-ташкilotлар ҳамда умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчилари таширф буюрди. Тадбирлар давомиди 8460 нафар коллеж битирувчилари 33 та мутахассислик бўйича касб маҳоратларини намойиш этишди.

Хусусан, Сиёб педагогика коллежидида "Ғишт териш", "Сувоқ-бўёқ ишлари", "Кафель териш", "Электромонтаж ишлари", "Сантехника ишлари", "Ламинантдан мебел ва паркет ясаш ишлари", "Пайвандлаш ишлари" каби соҳаларда "Энг яхши мутахассис" кўриктанови бўлиб ўтди.

Самарқанд олимпия заҳиралари тайёрлаш марказида эса "Компьютер тармоқларини созлаш ва ишлатиш", "Веб-сайт яратиш", "Компьютер графикаси, логотип, визитка тайёрлаш ва матн териш", "Тикув ва тикув-трикотаж буюмларини ишлаб чиқариш", "Сартарошлик ва декоратив косметика устаси", "Маиший хизмат машиналарини таъмирлаш", "Телерадиоаппаратураларни таъмирлаш", "Ветеринария", "Агрономия, ўсимликшунослик ва фермер ҳўжалигини ташкил этиш ва юритиш", "Ҳамширалик иши", "Ортопедик стоматология", "Мураббий-ўқитувчи", "Қишлоқ ҳўжалик машина ва жиҳозларига техник хизмат кўрсатиш", "Транспортларда ташвиш ва бошқаришни ташкил этиш" каби йўналишларда битирувчилар касб маҳоратини йиғилганларга намойиш этишди.

"Registon Plaza" меҳмонхонасида "Меҳмонхонада хизмат кўрсатиш сервиси", "Миллий ва хорижий таомлар тайёрлаш", "Нон, макарон, қандолат

маҳсулотлари тайёрлаш" бўйича коллеж битирувчилари ўртасидаги баҳс давом этди.

"Sam Auto" заводида "Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш", "Sino" ОАЖда "Совуқчиларни бошланғич йиғиш", Самарқанд педагогика коллежининг "Нихол" амфитеатрида "Аънавий созада, халқ рақси ва халқ чолғулариди" ҳам битирувчи-ёшлар уч йил давомиди ўрганган билим ва малакаларини иштирокчиларга кўрсатиб беришди.

— Мамлакатимизда ёш авлод тарбияси ва касб ўрганишига энг муҳим вазифа деб қаралаётганини таъкидлаш лозим деб ўйлайман, — дейди тадбирда сўзга чиққан Самарқанд вилоят ҳокими, сенатор З.Мирзаев. — Зеро, ёшларни касбга йўналтириш, ҳар томонлама замонавий, малакали кадрлар сифатида тарбиялаш бош мақсадимиз бўлса, яна бир вазифамиз улар бандлиги, барқарор иш ўринлари билан таъминлаш, ўз бизнесини юритиш учун қулай шарт-шароит яратиш саналади. Бугунги тадбир ҳам бу борадаги ишларимизнинг бир қисми бўлиб қолади. Ўзини шу юрт учун керакли инсон деб билаётган ёшларнинг ўрганган соҳасининг устаси бўлаётгани барчамизга мамнун этмоқда. Ўйлайманки, бу каби савй-ҳаракатларимиз келажакда ўз мевасини беради.

Мазкур ўқув йилида Самарқанд вилоят бўйича 158 та касб-ҳунар коллежларини 102 та мутахассислик бўйича 60 мингдан зиёд ёшлар битирмоқда. Мақсади ва аниқ манзилли тартибда улар бандлигини таъминлашга қўмаклашиш борасида "Вақтинчалик тартиб" ишлаб чиқилган. Унга кўра, ўтган давр мобайнида жойлардаги корхона ва ташкилотлар, фермер ҳўжалиқларидан битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича иш берувчилар томонидан кичик мутахассисларга эга бўлган талаб, тўланадиган ойлик маош миқдори ва

Дўстбек СУЛАЙМОНОВ,
«Huquq»

ишга қабул қилиш муддати назарда тутилган буюртмалар олинди. Шу асосда битирувчиларнинг ота-оналари фарзандининг қафолати иш билан таъминланиши ҳақида сертификатлар берилди.

— Кейинги йилларда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида ўқувчиларни касбга йўналтириш ва малакали кичик мутахассис-кадрлар тайёрлаш борасида қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда, — дейди Самарқанд вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси Шерзод Махаммадиев. — Бу каби кенг қўламли ишларнинг махсули ва натижаларини яна бир қарра рўёбга чиқариш мақсадида касб-ҳунар коллежларини муайян йўналиш бўйича тугатган битирувчилар ҳамда иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар ва ҳамкорлиқни янада яхшилаш, рақобатбардор, кичик мутахассис-кадрларнинг реал имкониятлари, билим савияси, малака ва иқтидорлари тўғрисида батафсил ахборот берувчи битирувчилар тақдимотлари ташкил этилди. Унда вилоятдаги корхона-ташкilot, муассаса ва тadbиркорлик субъектларига тайёрланаётган кичик мутахассисларнинг касб маҳоратлари тўла намойиш этилмоқда. Энг муҳими, тақдимотлар жараёнида коллеж битирувчилари умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларига таълим муассасаларида ўқишнинг, касб-ҳунар эғаллашнинг афзалликларини, эғаллаган касб-ҳунарлари орқали эришаётган натижаларини, соғлом рақобат асосида исталган нуфузли корхона ва ташкilotларга ишга жойлашаётганлигини, ўзларининг улкан имконияти ва иқтидор соҳиб эканликларини яққол намойиш этишди.

[Давоми 6-бетда]

Мурожаатга бефарқ бўлмайлик

Бош Қонунимиз ҳисобланмиш Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фуқароларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни қонунан кафолатлайди. Конституциямизнинг 35-моддасида ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан бирга ваколатли давлат органлари, муассасалари ёки халқ вакилларига ариза, тақлиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги, ариза, тақлиф ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муаддатларда кўриб чиқишли шартлиги белгиланган бўлиб қўйилган.

Шунингдек, "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун ҳам фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида кафолатланган ҳуқуқларини, давлат органлари, муассасалари фаолияти билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқига ва тартибини, мурожаатлар буйича давлат органлари раҳбарлари, масъул ходимлари ҳамда мурожаат қилувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва бурчларини, мурожаатларни кўриб чиқиш муддати ва тартибларини, мурожаатларни кўриб чиқиш тартибини бузганлик учун жавобгарлиқни белгиларди. Шу боис, мазкур қонун ижроси устидан назорат қилиш вазифаси прокуратура органлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Шу маънода, Бухоро вилоят прокуратураси органлари томонидан ҳам Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни ижроси юзасидан вилоят бошқаруви, назорат-тектирув органларида, уларнинг қуйи тизимларида ҳамда вилоят, шаҳар-туман ҳокимликларида ҳамда бошқа идораларда тизимли равишда текширишлар ўтказиб келинмоқда. Бунда асосий эътибор фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчилик билан белгиланган нормаларга риоя этилишини таъминлашга қаратилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида вилоят прокуратураси маҳкамаси ҳамда шаҳар-туманлар прокурорлари томонидан қатор текширишлар ўтказилиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан тегишли прокурорлик назорати ҳужжатлари қўлланилди. Текширишлар юзасидан қайд қилинган идоралар ҳамда ҳокимликлар раҳбарияти ва масъул ходимлари томонидан мазкур қонун ижроси сиз талаб даражасида ташкил этилмаганлигини, баъзи ҳолларда унинг талаблари раҳбарлар ва ходимлар томонидан тўғридан-тўғри бузилганлигини ҳамда ижро интизоми сусайиб кетганлигини кўрсатмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, текширилаётган идоралар ва ҳокимликларда фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби ёки низом ишлаб чиқилмаган. Бу ҳолат ўз навбатида фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашда жиддий камчиликларнинг вужудга келишига шариоит яратиб берган. Жумладан, "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 21-моддасига кўра, муаллифга жавоб хати юборилиши шартлиги кўрсатилган бўлишига қарамадан, Гиждувон туманидаги "Она ер саховати" фермер ҳўжалиги раҳба-

ри Рўзибобо Муқимовнинг фермер ҳўжалиги ерларига сув таъминотини яхшилаш тўғрисидаги аризаси вилоят ҳокими томонидан 2013 йил 23 мартда "Аризани кўриб чиқиб, тегишли чора кўриб, ариза муаллифига жавоб тайёрлаш" тўғрисидаги кўрсатма билан Гиждувон туман ҳокими Б.Зияевга топширилган. Бироқ туман ҳокими томонидан ариза муаллифига жавоб берилмасдан, фақатгина туман кишлок ва сув ҳўжалиги бўлими бошлиги вазифасини бажарувчи И.Хазратов томонидан қонунда белгиланган муддат бузилган ҳолда муаллифга жавоб тайёрланган, муаммо ечимни ойдинлаштирилмаган ҳамда жавоб хатидан норози бўлганда шикоят бериш тартиби тушунтирилмаган. Шунингдек, жорий йилнинг март-апрель ойларида фуқаролар Б.Жартибасова, М.Дўстов, К.Рўзиев ва Н.Авезовларнинг ер ахтариш тўғрисида Гиждувон туман ҳокими-га ёзган аризалари кўриб чиқилмай, муаллифларга жавоб хатлари берилмаган. Мазкур ҳамда бошқа ҳолатлар юзасидан 2013 йил 22 июнь кунни Гиждувон туман прокурори томонидан Жиноят кодексининг 144-моддаси 1-қисми ва 207-моддаси 1-қисми билан жиноят иши кўзга тилиди.

Бундан ташқари, Бухоро туман ҳокими Х.Равшанов томонидан фуқароларнинг мурожаатларини ҳал қилишда қонун талаблари қўпол равишда бузилган. Белгиланган муддатда ариза муаллифларига жавоб юборилиши таъминланмасдан, қўшимча текшириш талаб қилинмайдиган мурожаатларни ҳал этиш муддатига амал қилинмаган, мурожаатлар буйича берилган жавобларнинг бирортасида ҳам шикоят бериш тартиби тушунтирилмаган. Бундан ташқари, шундай қонунбузилиш ҳолатларига туман ҳокимининг ўринбосарлари З.Тоҳиров ва У.Ражабов ҳамда туман ҳокимлиги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси бошлиғи М.Чориев томонидан ҳам йўл қўйилганлиги аниқланди.

Мазкур ҳолатлар буйича уларга нисбатан МЖТКнинг 43-моддаси билан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш кўзга тилиди.

Пешку, Гогон, Қоровулзор, Вобкент, Олот туман ҳокимликларида, Бухоро шаҳар ҳокимлигида йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида ишлар кўзга тилиб, кўриб чиқиш учун жиноят ишлари буйича тегишли судларга юборилди.

Шунингдек, вилоят бошқаруви идораларида ҳам фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчилик ижросига етарли эътибор берилмай келинганлиги аниқланиб, те-

гишли прокурорлик назорати ҳўжатлари қўлланилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармасида ўтказилган текширишда 9 та ҳолатда қонун талабига зид равишда, бошқарма ваколатига кирмайдиган фуқароларнинг мурожаатлари узоғи билан беш кунлик муддат ичида тегишли органга юборилмаганлиги ва бу ҳақда фуқарога хабар қилинмаганлиги, фуқароларга қабул қилинган қарор устидан шикоят бериш тартиби тушунтирилмаганлиги ва қўшимча ўрганишни ҳамда текширишни талаб этмайдиган ариза ва шикоятлар муддати бузилган ҳолда кўриб чиқилганлиги аниқланди. Текшириш натижасига кўра, киритилган прокурор тақдимномасига асосан, бошқарманинг 3 нафар масъул ходими интизомий жавобгарликка тортилди.

Вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармасида ўтказилган текширишда ҳам шу каби қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди. Жумладан, Когон туманида яшовчи фуқаро Қ.Қаҳоровнинг 2013 йил 14 март кунини ноқонуний ўрнатилган электр трансформаторни кўчиришни сўраб қилган мурожаати орадан 1 ой ўйи ҳам тегишли ҳўжатлар тақдим қилинмади, деган ваз билан асоссиз равишда тўйқ кўриб чиқилмаган. Гиждувон туманида яшовчи Д.Тўраева-нинг ноқонуний қурилиш ишлари олиб борилаётганлигини норози бўлиб қилган мурожаатини ўрганиш давомида ҳақиқатдан ҳам ўзбошимчилик билан ноқонуний қурилиш ишлари олиб борилаётганлиги аниқланган бўлса-да, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш чоралари кўрилмасдан, фуқаро Д.Тўраевага судга мурожаат қилиш тўғрисида тушунтириш берилган. Текшириш натижасида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш тўғрисида бош бошқарма бошлиғи номига тақдимнома киритилди ва тақдимномага асосан фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда қонунбузилишга йўл қўйган мутасадди ходимлар интизомий жазага тортилди.

Шу билан бирга, текшириш жараёнида фуқароларнинг жиноят ҳақидаги мурожаатларига юзаси муносабатда бўлиб, жиноятни яшириш ҳолатларига йўл қўйилганлиги ҳам аниқланди. Масалан, фуқаро Ф.Султоновнинг Шофиркон туман ИИБга ўзига тегишли пластик картончасидан номал туман шахс 460 минг сўм сарфлаганлиги тўғрисидаги аризаси буйича ички ишлар бўлими ходимлари томонидан сифатсиз текшириш ўтказилиб, жиноят иши қўзғатишга рад қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Мазкур қарор прокуратура томонидан бекор қилиниб, Жиноят кодексининг 169-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиши таъминланди.

Текшириш жараёнида айрим идораларда ишонч телефонлари орқали келиб тушган мурожаатларни ҳисоботларда ошириб кўрсатиш, фу-

қаролар томонидан ишонч телефонларига қилинган мурожаатларни номигагина қайд этиш ҳолатлари ҳам аён бўлди. Мисол учун, вилоят статистика бошқармасида "Ишонч телефони" орқали тушган мурожаатларни қайд қилиш дафтери"да жорий йилнинг март ойида Бухоро шаҳар К.Муртазоев кўчаси 9/1-уй, 17-хонадонда яшовчи "Альянс" хусусий корхонаси ҳисобчиси Л.Сафарованинг электрон ҳисобот топшириш масаласидаги мурожаатига тушунтириш берилганлиги қайд қилинган бўлиб, текширишда ушбу манзилда бошқа фуқаролар яшашлиги аниқланди. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш тўғрисида вилоят статистика бошқармаси бошлиғи номига тақдимнома киритилди.

Текширишлар шуни кўрсатдики, жойларда бевосита фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш вазифаси юклатилган мутасадди идораларнинг масъул ходимлари фуқароларнинг мурожаатларига бефарқ муносабатда бўлиб келганликлари, ўз хизмат вазифаларини бажармаганликлари оқибатида фуқароларнинг муаммолари ўз ечимини топмай қолган. Айниқса, туманларнинг ер ресурслари ва кадастр хизмати, архитектура ва қурилиш бўлимлари, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари фаолиятида мазкур йўналишда қўлпақ қонунбузилиш ҳолатлари мавжудлиги аниқланиб, тегишли прокурорлик назорати ҳўжатлари қўлланилди.

Тадбирлар жараёнида фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш масаласида вилоят прокуратураси маҳкамаси ҳамда ҳудудий прокуратуралар ходимларининг масъ-

Баҳром ИРМАТОВ,
Бухоро вилоят прокурори
ўринбосари

улиятини янада ошириш чоралари кўрилади. Шунингдек, вилоят прокуратураси органлари томонидан текшириш ўтказилган идора ва муассасаларда фуқароларни қабул қилиш жадвалларини, фуқароларнинг мурожаатларини рўйхатга олиш китобларини янгидан ташкил қилиш, фуқароларни қабул қилиш, уларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ва ҳал қилиш масаласидаги қонунбузилиш ҳолатлари, камчилик ва нуқсонларнинг жойида бартараф қилиниши таъминланмоқда.

Ўтказилган текширишлар натижаларига кўра, қонунбузилиш ҳолатлари, унинг келиб чиқиш сабабларини бартараф этиш тўғрисида ҳокимлар ва мутасадди идоралар раҳбарлари номиди 43 та тақдимнома киритилди. Қонунга зид бўлган ҳўжатларга 1 та протест келтирилиб, мазкур йўналишда қонунбузилишга йўл қўйган 47 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилди. 33 нафар шахсга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарликка доир иш, қўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 4 та жиноят иши қўзғатилди.

Бирор муаммо юзасидан тегишли идорага мурожаат билан келган фуқаро ҳуқуқларининг тикланиб, адолат қарор топишига умид боғлайди. Табиийки, фуқаронинг арзи ўз вақтида кўриб чиқилиб, қонун доирасида ўз ечимини топса, унинг жамиятда қонун устуворлигига бўлган ишончи ортади. Ўз навбатида мурожаат ортида инсон тақдир этишини ҳам унутмас, фуқароларнинг мурожаатларига асло бефарқ қараб бўлмайди.

Ишонч телефонлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига рухсатнома бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қурилиш рухсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва биналар ижараси учун тўлов миқдорини белгилашда қонунбузилиш, бюрократик тўсқинчиликлар ва сансалорликларга йўл қўйилган тақдирда, Сиз тадбиркорлар ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валюталар оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар прокуратураларининг қуйидаги "Ишонч телефони" рақамларига ёки "007" қисқа рақамига қўнғироқ қилишингиз мумкин.

№	Прократура органлари	Ишонч телефонлари
1.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси	Код: 8371 232-43-91 232-45-40
2.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаменти	Код: 8371 233-84-20
3.	Андижон вилоят прокуратураси	Код: 8374 224-06-09
4.	Бухоро вилоят прокуратураси	Код: 8365 223-74-79
5.	Жиззах вилоят прокуратураси	Код: 8372 226-09-62
6.	Қашқадарь вилоят прокуратураси	Код: 8375 221-07-82
7.	Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси	Код: 8361 222-26-39
8.	Навоий вилоят прокуратураси	Код: 8436 225-07-17
9.	Наманган вилоят прокуратураси	Код: 8369 225-23-02
10.	Самарқанд вилоят прокуратураси	Код: 8366 235-07-34
11.	Сирдарё вилоят прокуратураси	Код: 8367 223-38-22
12.	Сурхондарё вилоят прокуратураси	Код: 8376 223-20-36
13.	Тошкент шаҳар прокуратураси	Код: 8371 271-12-26
14.	Тошкент вилоят прокуратураси	Код: 8371 277-76-18
15.	Фарғона вилоят прокуратураси	Код: 8373 224-04-80
16.	Хоразм вилоят прокуратураси	Код: 8362 227-45-71

Бундан ташқари, фуқароларнинг илтимос ва мурожаатларини кундалик навбатчилик асосида қабул қилиш буйича барча туман-шаҳар прокуратураларида ишонч телефонлари ташкил этилган. Сизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларингиз тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

Реал сиёсий суверенитет ва иқтисодий мустақиллик

Дунёда халқ, миллат бор экан, ҳар бири ўз мустақиллигини мустақамлашга, уни асраб-авайлашга интилади. Зеро, мустақиллик халқларнинг гурур ва ифтихори, тинч-тотувлиги ва фаровонлиги гарови ҳисобланади. Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, давлатларнинг энг улуғ ва энг азиз байрами бу мустақиллик байрамидир.

Ўтмиши, бугуни ва келажаги буюк мамлакатимиз Ўзбекистон Республикаси 1991 йил 31 августда ўз мустақиллигини эълон қилиб, жаҳон майдонида ўз нуқсонли ўрнига ва сўзига эга бўлиши билан бир қаторда, дунёда тинчлик ва хавфсизликни, барқарорлик ва оқилолликни таъминлаш борасида қучли ва самарали мустақил ички ва ташқи сиёсат олиб бормоқда.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар натижасида аҳолининг турмуш фаровонлиги йилдан-йилга ўсмокда, иқтисодий барқарорлик натижасида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш даражаси ҳар йили ўртача 8 фоиздан кам эмаслиги, мамлакат ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизи атрофида бўлиши эса, иқтисодий ислохотларнинг самарали натижаси эканлигидан далолат беради. Шу билан бир қаторда, ҳар йили давлат бюджетининг 60 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилаётганини эътиборга олсак, мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояси алоҳида эътиборда эканлигини кўраимиз. Айни вақтда буюк келажакнинг таянчи ва суянчи бўлган ёшларнинг таълим олишлари, уларнинг замонавий касбга эга бўлишлари ҳамда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 10-12 фоизи таълим учун сарфланаётгани, жаҳон таърибасида бу кўрсаткич 3-5 фоиздан ошмаслигини инобатга олсак, бу соҳада ҳам Ўзбекистон бошқа давлатларга андоза бўладиган ислохот олиб бораётганини кўришимиз мумкин. Айниқса, 9+3 ноёб 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизимининг жорий этилиши таълим соҳасида эришилган улкан ютуқлардан бири ҳисобланади. Мазкур тизим

афзалликлари дунё мамлакатлари тан олмокда. Таъкидлаш лозимки, таълим соҳасидаги эътибор натижасида бугун мамлакат ёшлари жаҳон майдонида улкан ютуқларга эришмокда. Словениянинг Марибор шаҳрида шахмат бўйича 8 ёшдан 18 ёшгача бўлган спортчилар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Нодирбек Абдусатторов жаҳон чемпиони номига сазовор бўлди, кимё фани бўйича 47-халқаро Менделеев олимпиадасида юртимиз вакиллари 2 та олтин, 5 та кумуш ва 8 та бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўрнини эгалладилар. Франциянинг нуфузли "Inseed" халқаро бизнес мактаби ва Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (ЖИМТ) томонидан тайёрланиб, 2012 йилнинг 3 июлида эълон қилинган "2012 йилдаги инновацияларнинг глобал индекси" деб номлаган таҳлилий маърузага асосланиб, АҚШ CNN компаниясининг дунё мамлакатлари бўйича таълим ҳолати тўғрисидаги қийсий ахборотида Ўзбекистон таълим соҳасидаги инновациялар кўрсаткичи бўйича 75,38 балл билан дунёда иккинчи ўрнини эгаллаганини инобатга олсак, юртимиздаги ўзгаришлар кўламини тасаввур қилишимиз мумкин. Зеро, бир вақтлар мактаб ва касалхоналарнинг 60 фоизи но-боп биноларда жойлаштирилган, ўткир иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни бошдан кечирган халқ бугунги кун ютуқларини ўша вақтда нафақат орзу, ҳаттоки, тасаввур ҳам қила олмас эди. Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистонни дунё тан олди, халқнинг азалии кадриялари, гурури тикланди, орзу-умидлари ушалди.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз нафақат ўзининг интеллек-

Хуршид КАРИМОВ,
Бош прокуратуранинг
Олий ўқув курслари катта ўқитувчиси

туал салоҳиятли ёшлари билан, балки ўзининг табиий бойликлари билан ҳам жаҳонда етакчи ўринларда туради. Жумладан, олтин, уран, мис, табиий газ, вольфрам, калий тузи, фосфоритлар, каолин каби фойдали қазилмалар захираси бўйича нафақат МДХ давлатлари ўртасида, балки бутун дунёда етакчи ўринларда туради. Бундай улкан бойликларга эга бўлган давлатга ҳавас кўзи билан қарайдиганлар ҳам, ҳасад кўзи билан қарайдиганлар ҳам бўлади. Шу сабабли мустақилликини асраб-авайлаш, уни мустақамлаш учун ҳар биримиз ўз ақл-заковатимиз, фидойилигимиз ва ватанпарварлигимиз билан масъул эканлигимизни шахсий ибрат билан кўрсата олишимиз керак. Шу билан бир қаторда, огоҳлик давр талаби эканлигини ҳар биримиз юракдан ҳис қилишимиз кераклигини унутмаслигимиз лозим. Зеро, тинчлик ва хавфсизлик барча даврда, барча халқлар учун улуғ неъмат бўлиб келган. Ташқи сиёсатда тўла ва тенг ҳуқуққа эга Ўзбекистон тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасида улкан ташаббуслар кўрсатмокда. Жумладан, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришишга қўмаклашиш, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш каби ташаббусларини таъкидлаш лозим.

Ўзбекистон Республикаси минтақадаги хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш борасида тинчликсевар сиёсат тарафдори эканлигини яна бир бор бутун дунёга кўрсатмокда. Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Устави, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги декларация, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг Хельсинки Яқуловчи акти ва бошқа халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига асосан 2012 йилнинг сентябрь ойида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қонунда Ўзбекистон тинчликсевар сиёсат юритади ва ҳарбий сиёсий блокларда иштирок этмайди, ҳар қандай давлатлараро тузилмалар ҳарбий сиёсий блокка айланган тақдирда, улардан чиқиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади деб белгиланганлиги, шунингдек, Ўзбекистон ўз ҳудудида ҳорижий давлатларнинг ҳарбий базалари ва объектлари жойлаштирилишига йўл қўймайди, деб қатъий мустақамланганлигининг ўзи ҳам Ўзбекистон томонидан амалга оширилаётган мустақил ташқи сиёсат тинчлик, оқилоллик, минтақа ва дунёда хавфсизликни таъминлашга қаратилганлигидан далолат беради.

Ўзининг куч-қудратига ишонган, мустақил иқтисод ва реал сиёсий суверенитетга эга бўлган давлатга мана шундай буюк ислохотларни амалга ошира олади. Буюк ислохотлар замирида эса "Ислохот ислохот учун эмас, аввало инсон учун", деган ғоя акс этади.



"HUUUUQ" ПОЧТАСИДАН

Чексиз миннатдорман

Ёшим анча кексайиб қолган бўлса-да, кўпала газета ва журналларни мутулаа қиламан. Жумладан, прокуратура фахрийси сифатида "Нуқуқ"нинг ҳар бир сонини катта қизиқиш билан ўқийман. Унааги ҳаётимизнинг барча жабҳаларини кенг қамраб олган мақолаларни, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг чиқишларини мунтазам кузатиб бораман.

Прокуратура соҳасида ишлаб, пенсияга чиққан фахрийларимиз ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотларни, айниқса, ҳукуматимиз томонидан уларга бериллаётган эътибор ва ғамхўрликларни кўриб, мамнун бўламан.

Мен, биз фахрийларни "Нуқуқ" газетасига бепул обуна қилган Республика Бош прокуратураси раҳбариятига ўзимнинг чексиз миннатдорлигимни билдираман. Шунингдек, фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази ҳамда газета таҳририяти ходимларига ҳам барча фахрийлар номидан раҳмат айтаман.

Эл-юрт қорига ярашдек хайрли ишда тетиклик ва зийраклик сизларни тарқ этмасин. Барчангизга оилавий бахт ва сихат-саломатлик тилаб, прокуратура фахрийси.


Эшнӣёз РЎЗИЕВ,
Самарқанд вилояти
Оқтош шаҳри, Навбахор кўчаси 26-уй

Қонунбузилишлар бартараф этилди

Қорақўл туман "Човли" ҚФЙ ҳудудида яшовчи фуқаро М.Каримов жорий йилнинг май ойида таҳририятга ариза билан мурожаат қилиб, туман ҳудудида фаолият кўрсатаётган дорихоналарда дори-дармонларнинг қиммат нархларда сотилиши, уларнинг санитария ҳолати талабга жавоб бермаслиги, умуман олганда, дорихоналарда содир этилаётган қонунбузилишлар ҳақида шикоят қилган эди.

"Фуқаро М.Каримовнинг туман ҳудудида фаолият кўрсатаётган дорихоналарда содир этилаётган қонунбузилишлар тўғрисида таҳририятга ёзган аризаси мутахассисларни жалб қилган ҳолда ҳамда ариза муаллифи иштирокида ўрганиб чиқилди, — дейди Қорақўл туман прокурори Н.Джурев таҳририятга йўллаган жавоб хатида. — Аризада кўрсатилган ҳолатлар юзасидан туманда фаолият кўрсатаётган 20 та дорихонада 2013 йил 8 июнь кўни туман ДСИ томонидан мониторинг кузатувлари ўтказилиб, барча дорихона раҳбарларига мавжуд тартиб асосида фаолият кўрсатишлари, яъни назорат-қасса машиналарини ва тўлов терминаллари узлуксиз ишлатишлари, уларни ўрнатмасдан асоссиз фаолиятни амалга оширмасликлари бўйича огоҳлантириш хатларининг берилиши таъминланди. Бундан ташқари, туман Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ходимлари томонидан тумандаги дорихоналарнинг санитария аҳоли бўйича рейдлар ўтказилиб, 2013 йил 12 июнь кўни камчиликларни бартараф қилиш юзасидан 15 та дорихона мудирларига огоҳлантириш хатлари берилди.

Туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан туманда фаолият кўрсатаётган дорихоналарда савдо қоидаларига риоя қилинишининг аҳоли юзасидан ўтказилган режадан ташқари қисқа муддатли текширишларда 2012 йилда 3 та, 2013 йилнинг ўтган даврида 2 та дорихонада савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларининг бузилганлиги аниқланиб, тегишли тартибда молиявий жарималар қўлланилган. 5 нафар раҳбар ва масъул ходимларга нисбатан молиявий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, уларга маъмурий жарима жазоси тайинланиши таъминланган.



Мажбурий таълим тизими

Ўз фарзандининг камоллини, жамият учун керакли, етук инсон бўлиб вояга етишини истовчи ҳар бир ота-она, энг аввало, бола тарбиясига ва унинг илм олишига ҳамда муайян касб-кор эгаси бўлиши учун интилиб яшайди. Бунинг учун эса бугун юртимизда барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Хусусан, бепул умумий таълим олиш давлат томонидан қафолатланган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонунига кўра, умумтаълим, ўрта махсус ва касб-хунар таълими мажбурийдир. Бироқ ўз фарзандининг таълим олишига панжа орасидан қарайдиган ота-оналар ҳам баъзан бўлса-да учраб туради. Бу каби ҳолатларга барҳам бериш ҳамда унинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддасида вояга етмаган фарзандларига таълим ва тарбия бериш тўғрисидаги қонунда белгиланган мажбуриятларни бажармаган ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга нисбатан маъмурий жазо чоралари кўрилиши белгиланган.

Қайд этиш жоизки, республикамизда 9-синф битирувчиларининг таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ жалб қилиниши учун барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб, болаларнинг тўлиқ билим олишлари учун академик лицейлар, касб-хунар ўрганишни хоҳловчилар учун эса касб-хунар коллежлари ташкил этилган.

Уларни таълимнинг мазкур тизимига тўлиқ жалб этиш мақсадида 2013 йил 16 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2013-2014 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига қабул тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор билан иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида аниқ касблар бўйича касб-хунар коллежлари битирувчиларига амалдаги эҳтиёжни танқидий таҳлил қилиш асосида 2013-2014 ўқув йилидан бошлаб республика ҳудудларида 26 та касб-хунар коллежларини қайта ихтисослаштиришга рухсат берилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, қарорда ҳокимликлар, таълим вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари раҳбарлари зим-

масига умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини келгусида академик лицейларда ва касб-хунар коллежларида ўқитиш билан тўлиқ қамраб олишни таъминлаш юзасидан шахсий масъулият юклатилди. Айниқса, 9-синфни битирувчи қизларни касб-хунар коллежлари ва академик лицейларида ўқитиш билан тўлиқ қамраб олинишига алоҳида эътибор бериш топширилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини касб-хунар коллежларига ва академик лицейларга қабул қилиш параметрларига асосан ҳар бир академик лицей ва касб-хунар коллежи бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар учун мутахассисликлар бўйича қабул квоталари тасдиқланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 июндаги қарори билан тасдиқланган "Умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицейлар ва касб-хунар коллежларига қабул қилиш ва расмийлаштиришни ташкил этиш тартиби тўғрисида"ги Низом талабига кўра, умумтаълим мактабларининг директорлари ёки директор ўринбосарлари томонидан ҳар йили 30 июнгача битирувчиларнинг ҳужжатлар йиғма жилдини битирувчилар ва ота-оналар (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) иштирокида тегишли академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг маслаҳат марказларига топширишлари шарт.

Ҳужжатлар йиғма жилдини битирувчилар ёки уларнинг ота-оналарига (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга) бериб юборишга йўл қўйилмади.

Битирувчилар академик лицейлар ва касб-хунар коллежларига тасдиқланган қабул кўрсаткичлари доирасида тушган аризалар асосида тенг шартларда (енгиллик ва имтиёзларсиз) қабул қилинади.

Низом талабига кўра, академик лицей ва касб-хунар коллежларига қабул квоталаридан кўп ҳужжатлар келиб тушган тақдирда, таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси

Шомурод КУШОҚОВ,
Қарши шаҳар прокурорининг
катта ёрдамчиси

томонидан битирувчиларни қамраб олиш имконияти ва смена коэффиценти ҳисобга олинган ҳолда қўшимча ўрин ажратилиши ҳал қилинади ёки Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан битирувчилар ўртасида саралаш тест синовлари ўтказилади.

Умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадаларида 1-5 ўринларни эгаллаган битирувчилар академик лицейлар ва касб-хунар коллежларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрдаги 226-сонли "Ўзбекистон иқтисодий ёшларини тақдирлар ва моддий рағбатлантириш тўғрисида"ги Қарори асосида қабул қилинади.

Имкониятлари чекланган битирувчилар Ўзбекистон Республикасининг ихтисослаштирилган касб-хунар коллежларида таълим олувчи имкониятлари чекланган шахслар учун мутахассисликлар ва касблар рўйхатига мувофиқ Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббий маслаҳат комиссиялари ҳулосалари ва тавсиялари, шунингдек, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаларининг, туман (шаҳар) Бандлик-қамақлаштириш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларининг йўлнамалари асосида қабул қилинади.

Шуни қайд этиш жоизки, белгиланган тартиблар асосида қамраб олинмаган, тест синовларидан ўтмаган 9-синф битирувчиларнинг ҳужжатлари қамраб олиш имконияти бўлган бошқа академик лицей ва касб-хунар коллежларига битирувчилар ва уларнинг ота-оналари (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар)нинг розиликлари асосида ўтказилади. Битирувчиларнинг ота-оналари фарзандларининг ҳужжатлари бошқа академик лицей ва касб-хунар коллежларига ўтказилганлигини билиши шарт, қачонки тест синовларидан ўтмаган битирувчилар ҳам бошқа таълим муассасаларига қабул қилиниши ҳамда таълим олиши лозим. Чунки 9-синф битирувчиси учун таълимнинг кейинги босқичи мажбурийдир.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ ўсиб келаётган ёш авлодга бўлган эътибор давлатимиз сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланган. Давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, мамлакатимизнинг раванглиги, тараққий топиши бугунги ёшларнинг қандай инсон бўлиб камол топишига, бир сўз билан айтганда, уларнинг интеллектуал салоҳиятига боғлиқ. Бугун юртимизда ёшларнинг чуқур билим олишлари, замонавий касб-хунар сирларини мукаммал эгаллашлари учун барча имкониятлар яратилган.

Баркамол авлод — юрт таянчи

Дониёрбек МАМАЖОНОВ,
Андижон вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Жумладан, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"га мувофиқ салмоқли ислохотлар амалга оширилди. Унинг ҳосиласи ўлароқ ёшлар замонавий билим ва касб-хунар сирларини пухта эгалламоқдалар. Бугун вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси тасарруфидаги 12 та академик лицей ва 117 та касб-хунар коллежларида 157 минг 438 нафар ўқувчи-ёшлар 98 та мутахассислик ҳамда 392 та ихтисослик бўйича таҳсил олаётди. Уларга 10 минг 303 нафар педагог ва муҳандис-педагоглар таълим бермоқда. Улардан 11 нафари фан доктори, 61 нафари эса фан номзоди, 9909 нафар эса олий тоифали мутахассислардир.

Ёшларнинг чуқур билим олишлари, замонавий технологияларни мукаммал эгаллашлари учун барча таълим муассасаларининг ўқув, лаборатория ва ишлаб чиқариш устакхоналари энг замонавий жиҳозлар билан таъминланмоқда. Биргина мисол, жорий йилнинг март, апрель ва май ойларининг ўзида 30 та таълим муассасасига 878,1 миллион сўмлик биттадан компьютер жамланмаси, 17 та таълим муассасасининг ахборот-ресурс марказларига 161,7 миллион сўмлик компьютер жамланмалари келтириб ўратилди. Шунингдек, 21 та таълим муассасасига спорт жиҳози ва анжомлари, 7 та таълим муассасасига чилангарлик, 21 тасига эса лаборатория, 15 та таълим муассасасига тикувчилик жиҳозлари ҳамда Андижон санъат коллежи ётоқхонасига 15 турдаги жиҳоз ва мебеллар тўплами келтирилди. Ўқюрдаги ишларни амалга ошириш учун 803,5 миллион сўмлик маблағ йўналтирилди. Албатта, бу ишлар мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодга қаратилаётган эътиборнинг амалдаги ифодасидир.

Дарҳақиқат, бугунги ёшларнинг салоҳияти баланд. Уларнинг эришаётган ютуқлари бундан далолат бериб турибди. Жумладан, ўтган йили академик лицей ва касб-хунар коллежларини тамомлаган битирувчилардан 37 нафари бугун хориждаги нуфузли таълим муассасаларида ўқишни давом эттирмоқдалар. Спорт йўналишидан 7 нафар, санъат йўналишидан бир нафар битирувчи ўқишда, санъат ва спортда қўлга киритган ютуқлари боис имтиёзли равишда мамлакатимиздаги олий ўқув юртларига қабул қилинди.

Олдимизда турган муҳим вазифалардан яна бири битирувчиларнинг иш билан бандлигини таъминлашдир. Бу йил 117 та касб-хунар коллежларини 47144 нафар ўқувчи тамомламоқда. Бу ёшларни ишлаб чиқариш ва дипломолди амалиётларининг бириктирилган корхона, ташкилот ва муассасаларда самарали ўтказилишини тўлиқ назорат қилиш мақсадида ишчи гуруҳи ташкил этилиб, ўқув режага мувофиқ амалиёт ўташ жадвали ишлаб чиқилди. Айни пайтда 40 мингдан зиёд ўқувчи ишлаб чиқариш ва дипломолди амалиётларини ўтаб қайтдилар. Битирувчиларнинг вилоятдаги 18125 та корхона, ташкилот ва муассасалар билан уч томонлама шартномалар тузиш ишлари якунланиш арасида. Ўтган йилги йўл қўйилган хато ва камчиликлардан тўғри ҳулоса чиқариб, бу масалани тўғригина ҳал этиш учун бор қучимизни, салоҳиятимизни ишга солиш бугуннинг талабидир. Бунинг учун эса бизда имкониятлар етарли.

Битирувчини иш билан таъминлаш — бугуннинг долзарб вазифаси

[Давоми.
Бошланғич 3-бетда]

Бу эса фарзандининг таълим олишига қаршиллик қилаётган ёки беэтибор бўлган, турли баҳоналар билан таълим муассасаларига юбормаётган ота-оналарга, ўқишдан бўйин товлайётган ёш йигит-қизларга ўзининг самарали таъсирини кўрсатиши, уларнинг фикри ва дунёқараш тубдан ўзгаришига сабаб бўлиши шубҳасиз.

Коллежларга бириктирилган йирик саноат корхоналарига битирувчи ўз бизнесини бошлашлари учун имтиёзли кредит олишга тижорат банкларига кафилилик бериш тажрибаси жорий этилди. Марказий банк вилоят бошқармаси билан ҳамкорликда битирувчиларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратиш жадвали тасдиқланди.

"Энг яхши бизнес лойиҳа" тақдимида 15 та соҳа бўйича бизнес лойиҳалар тақдим этилди. Шу ернинг ўзида 17 та тижорат банклари томонидан 250 та бизнес лойиҳага кредитлар ажратилиши тўғрисида сертификатлар тақдим этилди. Жумладан, Самарқанд банк коллежи ўқувчиси Нурсалим Умаровнинг "Полиэтилэн маҳсулотларини қайта ишлаб, ҳомашё олиш" бизнес лойиҳаси учун "Микрокредитбанк" вилоят бўлими томонидан 56 миллион сўм микродорида кредит ажратилаётган бўлди.

— Иштихон майишй хизмат касб-хунар коллежини газ, сув таъминоти тизимларини монтаж қилиш ва таъмирлаш йўналиши бўйича битираяман, — дейди Эркин Тиркашев. — Бугунги тақдирда коллежда ўрганган билим ва касб маҳоратимни кўрсатиб,

Оқдарё туманидаги "Нуроний бинокор сервис" масъулияти чекланган жамиятига ишга қиришга муваффақ бўлдим. Шу ернинг ўзида ҳужжатларим расмийлаштирилди.

Умуман, Самарқанд шаҳридаги корхона-ташкilotларда шаҳар ва туманлардаги касб-хунар коллежларининг ўқувчилари билим ва касб-хунар эгаллашларига оид барча кўргазмалар материаллар ва ўқувчиларнинг ижодий ишлари, миллий ҳунармандчилик, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги, ветеринария, ахборот технологиялари, маиший хизмат, тиббиёт, педагогика ва дизайн каби йўналишларда таҳсил олаётган ўқувчилар касбий фаолияти ва маҳоратини намойиш этишди. Тақдиротлар жараёнида 33 та ихтисослик йўналишидаги кичик мутахассис-кадрларнинг тақ-

димотини ҳар бир йўналиш бўйича алоҳида экспертлар гуруҳи баҳолаб борди. Шу маънода мазкур тадбир касб-хунар коллежлари битирувчиларининг иқтисодиётнинг реал тармоқлари, саноат корхоналарида ўз иш ўринларини топишида муҳим аҳамият касб этди.

Тадбирларда вилоятимизнинг шаҳар ва туманларидан ташириб буюрган 11 минг 235 нафар 9-синф битирувчилари иштирок этиб, келгусида қайси мутахассислиқни эгаллаш борасида тасаввурга эга бўлишди.

Бўлиб ўтган тадбирлар якунида "Энг яхши мутахассис" ҳамда "Энг яхши бизнес лойиҳа" тақдиротлари сарҳисоб қилиниб, ишга жойлаштиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун сертификат олган ўқувчиларга эс-далик совғалари топширилди.

Тадбиркор билан ҳамиша ёнма-ён

Ишлаб чиқаришнинг реал секторини ривожлантириш нафақат иқтисодий тараққиётни янада жадаллаштириш, балки шу орқали турмуш фаровонлигини ошириш, аҳоли даромадларини кўпайтириш, янги иш ўринлари яратишнинг ҳам муҳим омилidir. Шу боис Президентимиз раҳнаомлигида мамлакатимизда тадбиркорликка кенг йўл очилди, бу соҳани кўллаб-қувватлаш механизмлари шакллантирилиб, йўлга қўйилди. Шунингдек, соҳага инвестицияларни жалб этиш, ушбу жараёнда, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама кўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилиб, хусусан, кичик корхоналар ташкил қилиш ҳамда кичик корхоналар ва тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш тартиб-қоидалари янада соддалаштирилди.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишлар ҳам йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Уларнинг фаолиятига мансабдор шахслар ва давлат ҳокимияти органлари томонидан ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш эса ўз ўрнида кичик бизнес субъектлари сонининг орттишига ҳамда шу орқали мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўйишга хизмат қилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департа-

ментининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси томонидан қонунчиликда тақиқланмаган фаолият билан яширин шугулланаётганларнинг фаолиятига чек қўйиш, уларга ҳуқуқий таъсир чораларини кўриш билан чекланмасдан, тадбиркорлик билан шугулланишлари учун давлат рўйхатидан ўтишда, фаолиятини кенгайтириш, банклардан кредитлар ажратилишида қонун доирасида амалий ёрдамлар кўрсатилиб, янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Чимбой туманидаги "Торемурадова Венера" хусусий корхонаси раҳбари В.Торемурадованинг мурожаати департаментнинг Чимбой туман бўлими томонидан ўрганиб чиқилди ва кўрсатилган амалий ёрдам натижасида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси куриш учун "Қишлоқ қурилиш банки"дан 150 млн. сўм кредит маблағи ажратилиб, қўшимча 2 та янги иш ўрни яратилди.

Умуман олганда эса, жорий йилнинг 5 ойида жами 44 нафар ҳўжалик юритувчи субъектларга амалий ёрдамлар кўрсатилиб, натижада 79 та қўшимча иш ўринлари яратилди. Шундан 4 нафарига 220 млн. сўмлик кредит маблағлари берилиши таъминланди.

Шу билан бирга, қонунчиликда тақиқланмаган ишлаб чиқариш билан яширин, белгиланган тартибга зид равишда давлат рўйхатидан ўтмасдан ноқонуний фаолият олиб бораётган фуқароларнинг фаолиятига қонуний тус бериш, уларнинг солиқ тўловчи сифа-

Махмуд АВЕЗМУРАТОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг
Қорақалпоғистон Республикаси
бошқармаси инспектори

тида қайта рўйхатдан ўтказилишини таъминлаш борасида ўтган йили 3 нафар ва жорий йилнинг ўтган даврида 1 нафар фуқаронинг фаолиятига қонуний тус берилди. Жумладан, Нукус шаҳрида яшовчи фуқаро М.Карамуллоев давлат рўйхатидан ўтмасдан, ҳеч қандай ҳўжжати бўлмаган ва қандадлат маҳсулотлари ишлаб чиқараётгани аниқланиб, унга нисбатан тегишли чоралар кўрилди. Яъни унинг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтишида ёрдам кўрсатилиб, "Карамуллоев Майрамбай" МЧЖ ташкил этилди.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига оид норматив-ҳуқуқий ҳўжжатларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш бўйича маҳалла ва овул фуқаролар йиғинларида 30 та учрашувлар ўтказилди ҳамда оммавий ахборот воситаларида 147 мартаба чиқишлар қилинди.

Бир сўз билан айтганда, тадбиркорликнинг қонунчиликда тақиқланган тури билан яширинча шугулланаётганлар фаолиятига чек қўйиш, ҳуқуқий таъсир чораларини кўриш билан бир қаторда, тегишли тушунчалар бериш, тадбиркорлик қилиш истигади бўлганларни тегишли тартибда рўйхатдан ўтказиш, солиқларнинг тўланишини таъминлаш ва уларнинг ҳўқуқини ҳимоя қилиш асосий вазифаларимиздан бўлиб қолади.

Хуршид пул топишнинг осон йўлини топганидан бехал хурсанд эди. Ҳар кун эрталаб савдо қилиш учун Қарши шаҳридаги деҳқон базорига йўл олар, бошқалар мева-чева, сабзавот ва полиз маҳсулотлари олан-сотанси билан шугулланса, у базорга ташриф буюрган ҳаридорларга кинофильм, сериал ва қўшиқлар ёзилган DVD ва CD дискларни сотиш орқали даромад кўрарди. У махсус лицензия олмасдан дискларни сотиш қонунга ҳилоф эканлигини яхши билса-да, нафс қургур устунлик қилганлиги боис, бу осон даромад манбадан воз кечгиси келмасди.

Сабоқ чиқармаган экан

Шерали ҒУЛОМОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Қарши шаҳар бўлими инспектори

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 29 июндаги "Гастроль-концерт фаолияти соҳасида солиқ солишни ва аудио-видео кассеталарни тарқатиш тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарориди грампластинкалар, аудио ва видео кассеталар, лазер дискларини ишлаб чиқариш, кўпайтириш ва сотиш билан шугулланувчи юридик шахслар махсус лицензия оланган кейингина фаолият кўрсатиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Мазкур қарор ижросини таъминлаш юзасидан Қарши шаҳар ДСИ ҳамда вилоят ИИБ ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган рейдда Хуршид Турсунов Қарши деҳқон базори рўпарасида DVD дисклар савдоси билан ноқонуний шугулланаётгани аниқланган эди. Олиб берилган тергов-суриштирув натижасида Х.Турсунов ўз айбига иқдор бўлган, Қарши шаҳар судининг қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг тегишли моддаларига асосан ҳуқуқбузарликда айбланиб, унга энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдориди жарима жазоси тайинланган эди.

Халқимизда "Қўр ҳассасини бир марта йўқотади", деган гап бор. Бу ибора кўпинча ҳаётда нотўғри қадам босиб, қилмишидан пушаймон бўлган ва тўғри йўлга ўтганларга нисбатан қўлланилади. Хуршид бўлса қонунга зид бундай "тадбиркорлик" узоққа бормаслигига аввал ҳам бир қарра амин бўлган бўлса-да, бундан тўғри ҳулоса чиқармади. Орадан кўп вақт ўтмай Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 29 июндаги қарори ижроси юзасидан Қарши шаҳар ДСИ ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган навбатдаги рейд чоғида унинг яна ноқонуний диск савдоси билан шугулланиб келаётгани аниқланиб, ундан умумий қиймати 141 минг сўм бўлган 94 дона махсус DVD ва CD дисклар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Қилмиш — қидирмиш, дейдилар. Агар Хуршид Турсунов бошқалар каби юртимизда тадбиркорлар учун яратиб берилган имконият ва имтиёزلардан умумий фойдаланиб, фаолиятини қонун асосида олиб бораганда эди, қилмишидан пушаймон бўлиб, оиласи, дўсту биродарлари ҳамда маҳалла-қўй олдида ҳикоятли ҳолга тушмаган бўларди.

Ҳамкорликда курашмоғимиз даркор

Жамшид ҚАЙИМОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг
Қўқон шаҳар бўлими бошлиғи

Тезкор ва шиддатли даврда яшаймиз. Энг асосийси, вақт бизни ҳеч қачон кутиб турмайди. Ҳар бир соҳада босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар замирида инсон ва унинг манфаатлари ётади. Зеро, бугунги кунда жамият тараққиёти борасидаги юксалишда юртимизнинг ҳаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни борлиги қувонарли ҳол. Демак, эришилаётган ютуқлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Унинг ортида халқимизнинг машаққатли меҳнати бор. Ана шундай муваффақиятларга эришишда тўғрилиқ, соф виждонлилик, давлат ва фуқаролар мулкига ҳиётан қилмаслик каби ҳислатлар асосий ўрин туттишини жуда яхши биламиз. Лекин айрим ҳолларда юқоридаги ҳислатларга амал қилмаган шахслар жиноятга қўл урдилар.

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг Фаргона вилоят бошқармаси томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда таълим, меҳнат ва аҳолини иш билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш тизимининг айрим ходимлари томонидан содир этилган порахўрлик жиноятлари фош этилмоқда. Жумладан, фуқаро О.Бозоров ўз мутахассислиги бўйича Қўқон қурилиш ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежига ишга жойлаштириш ният қилган эди. Ўзини Қўқон шаҳар Бандликка қўмақлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ходими деб таништирган Б.Абдуллаев ундан 300 АҚШ долларини пора сифатида талаб қилиши О.Бозоровни хўшёр торттирди. Унинг порахўрга нисбатан қонуний чора қўришни сўраб ёзган аризаси бўйича МХХ Қўқон шаҳар бўлими ва департаментнинг Қўқон шаҳар бўлими ходимларидан иборат тергов гуруҳи ишга

киришди. Натижада Б.Абдуллаев Қўқон шаҳар 1-енгил саноат касб-ҳунар коллежи олдида фуқаро О.Бозоровдан ишга жойлаштириш эвазига 300 АҚШ долларини пора тариқасида олган вақтда ушланди.

Терговолди текшируви давомида Б.Абдуллаев Қўқон шаҳар Бандликка қўмақлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказида муқаддам ишлагани, ҳозирда вақтинча ишсиз эканлиги, О.Бозоровни ишга жойлаштириш учун 300 АҚШ долларини ундан Қўқон шаҳар Бандликка қўмақлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази бош инспектори Б.Олимов талаб қилганлигини билдириб, унга нисбатан қонуний чора қўришни сўраб, ариза билан мурожаат қилди.

Б.Абдуллаевнинг аризаси бўйича ўтказилган тадбирда бош инспектор Б.Олимов фуқаро О.Бозоровни ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш учун Б.Абдуллаевдан тегишли бакалавр дипломи ва 300 АҚШ долларини олган вақтда ашёвий далиллар билан қўлга олинди.

Жиноят жазоси қолмайди. Жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг ҳукми билан Б.Абдуллаев ва Б.Олимовлар айбдор деб топилди, уларга нисбатан жазонинг муқаррарлиги таъминланди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ҳар қандай ҳолатда ҳам бу каби порахўрликдан бевосита азият чекадиганлар жамият ва инсонлардан. Шундай экан, бу иллатга қарши биргаликда кескин кураш олиб бормоғимиз лозим.

Айтиш керакки, қонунга ҳилоф равишда алкоголь маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва муомалага киритиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг шаклланиши ижтимоий-иқтисодий мезонларни издан чиқарувчи омиллардан бири ҳисобланади. Айниқса, бу ҳол алкоголь маҳсулотларнинг айланмасдан олинагани даромаднинг каттагина қисми йўқолишига, истеъмолчиларнинг қонуний манфаатини, муаллифлик ва турлош ҳуқуқларининг бузилишига сабаб бўлмоқда.

Ноқонуний даромад илинжида

Рафиқжон ТОЙИРОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаменти катта
инспектори

Калбаки ароқ маҳсулотларидан олинганда маблағнинг айланмасдан алкоголь маҳсулотларининг ноқонуний савдоси, айниқса, яширин ишлаб чиқаришнинг ҳомаше манбаларини фош этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти ходимлари муайян ишларни амалга ошириб келмоқда.

Аммо фуқароларимиз орасида ноқонуний даромад олишни мақсад қилиб, яширин равишда қўлбола ароқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзига касб қилиб олганлари ҳам оз бўлса-да, учраб турибди.

Департаментнинг Мирзо Улўғбек туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда, енгил даромадни қўллаб, ноқонуний йўллар билан мамлакатимиз ҳудудидаги спиртли ичимликларни олиб қирмоқчи ва ички базорда сотиш билан шугулланмоқчи бўлган ҳуқуқбузарлар фаолиятига чек қўйилди.

Гап шундаки, фуқаролар Раимжон ва Шохназар Жалиловлар, Икром Эргашев ва Турсунпўлат Алимовлар (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ўзаро тил бириктириб, автомашинага жойланган, сими 1,5 литрли 101 дона елим идишларга солинган спирт маҳсулотларининг ҳар бир донасини 13 минг 900 сўмдан сотаётган вақтда ушланди. Шоввозлар ноқонуний савдодан 1 млн. 400 минг

сўмлик фойда олишни қўзлашган, шунингдек, 3,5 млн. сўмликка яқин ароқ маҳсулотлари тайёрлашда ишлатиладиган турли корхоналарнинг номи туширилган ёрликлар ва пробиркаларни аҳолига сотишни мақсад ҳам қилишган экан. Текширув якунида қонунбузарларга тегишли бўлган 150 литрдан ортиқ спирт маҳсулоти, 5 минг жуфт ёзувли ёрликлар ва пробиркалар, нархи 7,5 млн. сўмга яқин сифатсиз ҳомашёлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилган.

Бундан ташқари, чет элдан келтирилган кўп миқдордаги алкогольли маҳсулотларни мамлакатимиз ҳудудида олиб қириб, Хурсанд Камолов билан жиноий тил бириктирган ҳолда 0,5 литрли, Ўзбекистон акция маркази билан қўқоқланмаган маҳсулотларнинг донасини 38 минг сўмдан ҳисоблаб, 2 млн. 300 минг сўмга ноқонуний равишда сотмоқчи бўлган "Ўзтемирйўлийловчи" ОАЖга қарашли "Вогрес Сервис" шўъба корхонаси вагон ресторони ходими Абдурашул Темировнинг ҳам фаолиятига чек қўйилди.

Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, айбдорларга нисбатан суд ҳукми билан жазо муқаррарлиги таъминланган.

Уйида ёлғиз қолли дегунча унинг куни тугарди дейиш мумкин. Ҳар сафар рафиқаси ва фарзандлари қариндошларининг олмаги — Қозғистонга кетишганидан сўнг Дилшад Худайкулов ичкиликка бериларди. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Онасининг ортдан ўғли ҳам жўнагач, унинг ёнида "қуна-шунчалар" ҳам кўпайишди. Айниқса, қўшниси Евгений Митянин билан уфатчилик кўпроқ давом этарди. Шундай қилиб, ичкиликка ружу қўйганлар аста-секинлик билан ботқоққа ботиб боришарди.

Качон қарасанг, масталаст аҳволда юрадиган Е.Митянин 2012 йил 17 сентябрь куни тунда ичишни бошлади. Маъшуқаси Вера Лаптевани ҳам уйига чақирди... Ошиқ-маъшуқлар 18 сентябрь куни саҳарда уйғонишди. Е.Митянин меҳмонини кузатиб қўйиш учун Янги Бозорга йўл олди. У ерда бироз гаплашиб туришгач, В.Лаптева уйига кетди. Митянин эса жуда эрта бўлишига қарамай, спиртли ичимликлар дўконига йўл олди. Ароқ сотиб олиб, кўча-нинг ўзидаёқ ичиб юборди.

Ичкилик келтирилган қулфатлар ҳақида қанча кўп гапирилмасин, матбуотда унинг инсон соғлиги ва ҳаётига, келажагига таъсири ҳақида ёзилмасин, афсуски, унинг оқибатидаги ноҳус воқеалар ҳанузгача содир бўлиб турибди. Негаки, ичкилик инсон танасини заҳарлашдан ташқари, онгини ҳам хиралаштириб, турли жиноятларга йўл очди. Жиноятчининг эса тақдирини қандай бўлиши барчага маълум.

Ичкилик таъсиридаги жиноят

Расул МАТХАЛИКОВ,
Ўрта Чирчиқ туман прокурори ўринбосари

Кеч соат 19:00ларда уяли телефонига пул тўлаш мақсадида кўчага чиққан Бахтиёр Жўраев (исм-фамилиялар ўзгартirilган) спиртли ичимлик таъсирида бир инсоннинг ҳаётига зомин бўлишини ҳаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак. Уяли телефонининг ҳисобига пул ўтказиб, ортга қайтаётган Бахтиёр уйига эмас, Йиқ ота — Бектемир йўналишидаги йўлнинг четида жойлашган дўкон томон йўл олди. "Томоғи тақиллаб" турган экан, шекилли, "зорманда" дан озгина отиб олмақчи бўлди. Дўконга кирганида маҳалладоши Ёрмат дўкон эгаси Мирсалим ака билан "қиттай-қиттай" қилиб, суҳбатлашиб турарди. Бахтиёр ҳам уларнинг даврасига қўшилиб, ароқ ичди. "Шайтон суви" томоғидан ўтганидан кейин ўз нағмаларини бошлади.

Натижада маҳалладошлар бир-бирига қарата куракда турмайдиган сўзларни айта бошлашди. Бу ҳолат дўкон эгасининг зардасини қайнатди:

— Бу ерда сўкинманглар, ҳаммаёқни бошларингга кўтариб юбординглар. Кўчага чиқинглар! — дея уларни ташқарига чиқариб юборди.

Кайфи тарок икки маҳалладош дўкондан чиқиб ҳам ўз уйларига кетишмади. Дўкон ташқарисида уларнинг даҳанаки жанги давом этди. Бир маҳал жаҳл отига минган Бахтиёр Ёрматнинг кўрагига мушт тушириб қолди. Қўтилмаганда тушган зарбдан Ё.Азимов мувозанатини йўқотиб, ерга қалқанчасига йиқилди ва бош қаттиқ жойга урилиб, ҳушидан кетди. Буни кўрган яқин-атрофдаги одамлар тезда ёрдамга ошиқибди, сув сегиб Ёрматни ўзига келтиришди. Мирсалим ака унинг аҳволига қараб:

— Тез ёрдам чақирайликми? — деб сўради.

— Шартмас, яхширман, — дея Ёрмат бошини ушлаганича уйига кетди.

Бироқ вазият ўзи айтганидай яхши эмасди. Ё.Азимов олган тан жароҳати натижасида орадан икки кун ўтиб, анжирог, 2012 йилнинг 6 ноябрь куни ҳаётидан кўз юмди.

Мазкур ишни кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Ўрта Чирчиқ туман суди Б.Жўраевга нисбатан тегишли жазо тайинлади. У энди сим тўрлар ортида ўзи учун тўғри хулоса чиқариб, ичкиликнинг одам бошига қандай қулфатлар келтиришини тушунигани ҳолда, келгусида бундай хатога йўл қўймасликка ҳаракат қилади, деб ўйлаймиз.

Кейин уйига қайтди.

Кўчасига келгач, уйига кириш ўрнига ошнаси Д.Худайкуловнинг хонадонига бурилди ва бу ерда маишат давом этди. Уларнинг уфатчилигида газакнинг мазаси бўлмаса-да, ароқ ва пиво жуда кўп истеъмол қилинар, эрталабдан бошланган ичкилик базмининг адоғи кўринмасди. Орада бошқа қўшнilar ҳам Д.Худайкуловнинг уйига бош сукиб чиқиб кетишди. Вақт тушликка яқинлашганда ароқ тугаб, Е.Митянин "Мен "командировка"га кетдим", дея чиқиб кетди ва тезда "қўйни-қўнжи" тўлиб, қайтиб келди. Бу орада қўшнilarдан бири хорижга ишлаш учун кетаётгани сабаб, хайрлашиб учун кириб келди. Унинг соғлиги учун ҳам қиттак-қиттак қилинди. Хуллас, эрталабдан кечки 16:00га қадар пиёлаларнинг жаранг-журунги тинмади. Ичкиликбўзликка ружу қўйган қўшнilarнинг вақтичоллиги яна узок давом этиши мумкин эди. Бироқ ўйиндан ўт қиди...

— Жена, таниш аёлларинг борми? — гапни узокдан бошлади Д.Худайкулов.

— Нимага шўма қиялпсан?
— Биронтасини чақирсанг...

— Тўхта-тўхта...

Е.Митянин бир нималарни эслашга уринди. Ва ниҳоят, ёдига тушди, шекилли, шеригига тахдидли назар ташлади.

— Ўтган йили уйингни "ремонт" қилаётганимда, олдимга В.Лаптева келиб турарди. Унга уйланиш ниятида эканими била туриб, унга ноҳўж тақлиф қилгандинг-а?!

— Қўйсанг-чи, нималар дейсан. Кайфинг ошиб қолибди...

— Сени хотинингга шундай гапларни айтганимда, нима деган бўлардинг?

— Э-э-э... хотинимни ара-лаштирма. Тушундингми?

Е.Митянин шеригини бўралаб сўқишга, ҳақорат қилишга тушди. Д.Худайкулов бунга чидалмай, столдаги пичоклардан бирини чангаллади ва "нима деясан", дея ўшқирди.

— Верани ўзи менга буни айтган. Шу пайтгача индамай юрардим. Бугун орани очиб қилиб оламиз.

— Билганингни қил. Ўзи

Нодирбек БАБАЕВ,
Анжирон шаҳар прокуратураси
катта терговчиси

қўлингдан нима келади?

— Сени ўлдириш келади...

Е.Митянин гапни тугатмай дастурхондаги иккинчи пичокни чакқонлик билан олди-ю Д.Худайкуловнинг қорнига санчди. Жабрдийда ўнг елкаси билан ерга қулади. Жиноятчи бўлса нима қилиб қўйганини яхши англамай, уйдан чиқиб кетди. Бу пайтда ичкаридан баланд ва тахдидли овоз эшитган ён қўшнilarдан бири, уларнинг ёнига чиқаётгани. Е.Митянин айнан шу қўшнига дуч келди.

— Ҳа, Жена, "командировкага"ми?

— У атрофга қарамай, тўппатўғри уйига йўл олди ва хонасига кириб, ҳеч нарса бўлмагандек уйкуга кетди.

Қўшни саволига жавоб ололмаганидан хайрон бўлиб, Д.Худайкуловнинг уйига кирди. Ерда ётган хонадон соҳибини кўриб, танасини кўтармоқчи бўлди. Аммо қорнидаги қонни кўриб, кўрқиб кет-

ди. Д.Худайкуловнинг юзи оқариб кетган, зўрга нафас оларди. Уни кўтариб, қара-вотга ётқизган қўшни кўчага югурди. Аввалига у Д.Худайкуловнинг қариндоши — Талғакнинг эшигини тақиллатди. Вазиятни тушунтириб, ёрдам беришни тайинлади. Ўз навбатида Талғак Д.Худайкуловнинг уйига кириб, унинг аҳволини кўргач, тиббиёт коллежиди ўқиган қўшниси Салиманинг уйига шошилди. Салима ҳам бўлган воқеадан хабар топиб, уйдан керакли нарсаларини олиб, дадаси билан Д.Худайкуловнинг уйига чиқди ва биринчи ёрдамни кўрсатишга ҳаракат қилди.

Шундан кейингина Талғак тез ёрдамни чақириб учун унинг қўл телефонидан кўнғироқ қилиши кераклигини англаб етди. Тез ёрдам етиб келганида эса кеч бўлган, шифокорларда Д.Худайкуловнинг ҳаётидан кўз юмганини қайда эшитдан бошқа чора қолмаганди.

Қотиллик содир этган Е.Митянин суднинг қора курсисидан жой эгаллади. У гарчи қилган ишдан пушаймон бўлса-да, бундай афсуслар уни узок муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосидан қутқариб қолмади. Шу тариқа ичкилик, айш-ишрат, маишатпарастлик фожиали равишда интиҳо топди.

«Жой ҳақи» насиб қилмади

Ахроржон ХУДАЙБЕРГАНОВ,
Фаргона вилоят прокуратураси АМИБ терговчиси
Исроил ИБРОҲИМОВ,
«Huquq»

нинг турган-битгани нонқурлик. Ҳукумат тадбиркорликка кенг йўл очиб бераётган бир пайтда нонқурларнинг ногорасига ўйнасинми? Худди отамерос жойига ҳақ талаб қилаётгандай, тадбиркорлардан "жой ҳақи" ундираётган наҳанглари ким жиловланди?

Тадбиркор аранг ўзини қўлга олди. Келаси куни эрталаб соат тўққизда ўринбосарга учради.

— Собиржоннинг олдига кирайлик.

— У сизни роса кутди. Келавермадингиз. Ҳоқимликка, махлисага кириб кетди. Берадиганингизни менга бераверинг. Мен Собиржонга топшириб қўяман.

Тадбиркорнинг аризаси асосида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ўтказилган тадбирда "Бағдод буюм бозори" МЧЖ раисининг ўринбосари Абдуқодир Ходжаев "жой ҳақи"ни олган чоғида, жиноят устида ушлан-ди. Ушбу "жой ҳақи"ни МЧЖ раиси Собиржон Тешабоевга бериб қўйиш учун олганига иқдор бўлди. Тамагирлик билан савдо растаси ажратиш бериш учун 1 млн. 600 минг сўм пора талаб қилиб олишдан иборат жиноятга қўл урган МЧЖ раиси ва унинг ўринбосарига нисбатан қўзғатилган жиноят иши терговчи мобайнида С.Тешабоев бош ҳисобчи Р.Ақбаров билан жиноий тил бириктириб, 2011 йилнинг февраль, май, июнь, декабрь ойларида моддий ёрдам, иш ҳақи табеллари тузиб, ишчи-ходимларга тарқатилгани ҳақида сохта ҳужжатларни имзолаб, жами 2 млн. 121 минг сўм маблағни ўзлаштиргани ҳам аниқланди. Бундан ташқари, раис ва бош ҳисобчи 2011-2013 йиллар мобайнида жамият ишчи-ходимларига асоссиз равишда 8 млн. сўмликдан зиёд иш ҳақини ортқча тўлаб, талон-торож қилиб, "Бағдод буюм бозори" МЧЖга жами 13 млн. 763 минг сўмлик зарар етказишгани аён бўлди. Раиснинг ногорасига ўйнаган бош ҳисобчи Р.Ақбаров ҳам жиноий жавобгарликка тортилди.

Суд мажлисида ҳужжатли далиллар, гувоҳларнинг кўрсатмалари, ўзарининг иқдорликлари билан судланувчиларнинг айби тасдиғини топди. Раис ва ўринбосарга озодликдан маҳрум этиш, бош ҳисобчи ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди. Раис ва ўринбосарнинг "ҳиммати" уларига қимматга тушди, уларга "жой ҳақи" насиб қилмади.

Алиёржон савдо-сотик билан шуғулланишни ихтиёр этди. Буюм бозоридан савдо растасини сўраб олса, бозори чакқон нарсалар савдосини йўлга қўйса, даромадини кўпайтириб бориб, кейинчалик алоҳида дўкон курс... Лекин, ҳаёл бошқа, иш бошқа, деганлари ҳақиқат экан. Савдо растасини қўлга киритиш осон эмас экан. Бунинг учун буюм бозори раисининг қўнғлига йўл топиш керак экан. Афсуски, уни танимайди, билмайди. Танишига дардини айтган эди, мушуқли осон бўладиган бўлди. Содихўжа бозор раисининг ўринбосари билан таништириб қўйди. Ўринбосар Абдуқодир ака уни буюм бозорига бошлади. Бозорнинг қок ўртасидаги растани кўрсатди. Растадан 8 метрли савдо жойини ажратиб олиши мумкинлигини писанда қилди. Ўринбосар кўрсатган ҳар томонлама қулай жой Алиёржонга маъқул тушди. Келаётган бозор куни иш бошлашини тасаввур этиб, қишнинг сўнгги ойи осмонини қоплаган булутлар тарқагандай, қўнғли офтоб мисол ёришгандай туюлди. Абдуқодир акага астойдил миннатдорлигини изҳор этди.

— Бу ҳимматингизни умрбод унутмайман, ака. Нима хизмат бўлса, тайёрман.

Алиёржон ўзича чойхонада битта ош қилиб бериб, ака-ўка тутиниб, савдо жойини қўлга киритиш умидида эди. Абдуқодир аканинг шартини эшитиб, пешонасидан тер чиқиб кетди. Бир миллион олти юз минг сўм... Кимгадир арзимас пул бўлиб туюлар. Лекин энди иш бошлаётган тадбиркор учун бу ҳазилакам гап эмас. Алиёржон қамайтиришни сўради. Аммо, таллашиб-тортишиб беҳудалигига ақли етиб, тилини тишлади. Абдуқодир ака суюнчи сўраб, буюм бозори раиси хузурига кирди:

— Алиёржонга энг қулай савдо жойини бир миллион олти юз минг сўмга бериб қўйдиқ...

— Тушунмовчилик бўлибди-да, бу жойнинг баҳоси бир минг олти юз доллар эди-ю, — деди Собиржон қишини чимириб. — Ҳа, майли, ўтган ишга савлат. Алиёржон, жой ҳақини тезлаштириб беринг-да, ишни бошлайверинг.

— Савдо растасининг харидорлари сероб, — деди Абдуқодир ака холи қолганларида. — Пулни ҳозирок бериб қўйинг. Бўлмаса қуруқ қола-сиз.

— Ёнимда бунча пул йўқ. Кечгача, жуда бўлмаса эртага эрталаб опкеламан.

Алиёржон дўпини олиб қўйиб, ўйлаб кўрса, ҳали иш бошламай туриб, бекордан бекор шунча харажатга тушапти. Аслида тадбиркорга савдо растасини пуллаш қонун-қондага зид. Бозорга тегишли савдо жойини ажратиш бериш учун тамагирлик билан пора талаб қилиб олиш-

Сиздан угина, биздан бугина

Ҳаракат қилганининг ишида барака бўлади. Бунга мисол тариқасида ишбилармонлигини намоён этган ҳолаа фаолият юритиб, ҳам ўзига, ҳам юрт равнақига имкон қалар ҳисса қўшаётган талбиркорлик субъектларини келтириш мумкин. Яхши ниятлар билан "Моҳинур" номи ишлаб чиқариш хусусий савдо фирмасини ташкил қилиб, фаолиятини фирма ошхонаси орқали амалга оширишни йўлга қўйган А.Холмиззаевнинг ишлари ҳам тезла юришиб кетди. Шундай бўлса-да, фаолиятини янада ривожлантиришни мақсад қилиб ва кредит ажратишни сўраб, "Микрокредитбанк"нинг Асака филиалига мурожаат қилди. Бироқ орадан маълум вақт ўтса-да, кредитдан дарақ бўлмади.



Мўлжаллаган ишлари орқага сурилиб кетишидан хавотир олган А.Холмиззаев хабар олишни тайинлаб, фирманинг бош ҳисобчисини банкка жўнатди. Бош ҳисобчи эса у ердан қизиқ гап топиб келди. Унинг айтишича, ичкарига кириб банк бошқарувчисига учрашгач, кредит ажратиштириш чўзилиб кетганини билдириб, тезлаштиришни илтимос қилибди. Бошқарувчи бўлса кредит ажратишининг ўзига яраша чиқимлари борлигини айтиб, қўрсаткич бармоғи билан бир ишорасини қилибди ва шунча бер-

санглар, кредит ажратилади дебди.

Бош ҳисобчи унинг имосини яхши тушунмай, бир деганингиз бир миллионми, деб сўраган экан, ким биландир телефонда гаплашаётган бошқарувчи "Йўқ, 1 та", дея гапни қисқа қилибди.

— Шунча гаплар. Назаримда у биздан 1000 доллар сўрапти, — дея гапни тугатди бош ҳисобчи.

— Тушунмадим! Нима, энди 20 миллион кредит олиш учун минг доллар пора беришим керакми? Шунча пулни топишнинг ўзи бўладими?!

У жиғибйоран бўлганча, банк томон йўл олди. Йўл-йўлакай кўнгли бир қинғирликни сезди-да, ичкарига киришдан олдин ҳар эҳтиmolга қарши қўл телефонининг диктофонини ёқиб қўйди.

Бошқарувчининг қабулига кириб, қонуний тарзда кредит олмоқчи бўлса-ю, эвазига минг доллар сўраш инсофдан эмаслигини айтиб, эътироз билдирган эди, бошқарувчи унинг гапини бўлди.

— Бош ҳисобчингиз мени нотўғри тушунди. Минг доллар эмас, 100 доллар сўраган эдим. Ўзингиздан қолар гап йўқ, яқинда байрам. Шу баҳона 100 долларга харажат қилиб, юқоридоғиларни байрам билан табриклаб келишимиз керак. Ахир сиздан угина, биздан бугина, деб бежиз айтишмаган-ку! Мени тўғри тушунарсиз, деб ўйлайман...

А.Холмиззаев бошқарувчининг олдида чиққандан кейин ўзининг ишлари билан андармон бўлди. Аммо банк ходимининг тамағирлиги ҳаёлидан кетмай, иши ҳам унмади. Охири бир қарорга келди ва тегишли идора томон йўл олди. Бўлган воқеани батафсил баён қилиб, ариза ёзди-да, диктофондаги ёзувни илова қилиб топширди...

Эртаси куни эса фирманинг ҳисоб рақамига 20 миллион сўм кредит маблағи тушди.

Орадан икки кун ўтиб, уни

хуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари чақириб қилибди. Холмиззаев иштирокида унга 2 дон 50 купюралари кимёвий ишлов берилган АҚШ доллари беришди. Шундан кейин А.Холмиззаев банкка кириб келди ва тўғри бошқарувчига учради. Ундан пулларни олган бошқарувчи шу заҳоти қайтариб берди-да, пулларни ўринбосарига беришни, бундан ташқари яна 100 АҚШ доллари олиб келиши кераклигини тайинлади. А.Холмиззаев ўринбосарни танитмаслигини айтган эди, бошқарувчи унинг кўринишини тасвирлаб берди.

Ўринбосарни банк ҳовлисида учратган А.Холмиззаев бошқарувчининг топшириғи дея унга пулларни топшириб, ташқарига йўл олди. Пулни чўнтағига солиб, хонаси томон йўл олган ўринбосарни эса шу заҳоти тезкор ходимлар тўхтатишди. Чўнтағидан чиққан 100 АҚШ доллари холмиззаев иштирокида ашёвий далил сифатида расмийлаштирилди...

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик субъектларини хуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг сўзсиз бажарилиши устидан назоратни қўчайтириш, назорат органлари мансабдор

Бобир КАМОЛОВ,
Бош прокуратура бошқарма
бошлиғи ўринбосари

шахсларига тадбиркорлик субъектларининг хуқуқ ва қонуний манфаатларини бузганликларни устидан жазонинг муқаррарлигини таъминлаш вазифаси юклатилган бир пайтда, тадбиркорликни ривожлантириш ва уларга молиявий қўмак бериш асосий вазифаси ҳисобланган банк ходимларининг кредитлар ажратилишда сунъий тўсиқлар яратиб, тамағирлик қилганликларини қандай изоҳлаш мумкин?

Ваҳоланки, банк кредит қўмитасининг қарори билан фирмага 20 миллион сўм миқдоридagi кредит маблағи бош ҳисобчи бошқарувчига учрашгандан 17 кун аввал, яъни 7 декабрда ажратилган экан. Аммо на бошқарувчи ва на унинг ўринбосари бу ҳақда фирма мутасаддиларини хабардор қилмаганлар. Аксинча, "ётиб қолгунча, отиб қол" қабилида йўл тутиб, фирма фаолиятини ривожлантириш учун қонуний тарзда ажратилган маблағ орқасидан даромад топиш пайида бўлганлар.

Суд жараёнида филиал бошқарувчиси А.Тўраҳўжаев ҳамда унинг ўринбосари Д.Тўракуловларнинг айби тўлиқ исботланди ва уларга қилмишларида яраша тегишли жазо тайинланди.

Оқибатсиз ака-укалар



Расулжон ЖўРАЕВ,

Бағдод туман прокуратураси терговчиси

ажратиб қўйишди. Аммо шу билан жанжал якунига етмади. Жаҳл отига миниб, бутунлай ақлини йўқотган Маъмурбек печка устида суви билан турган чўян чойнакни олиб, ўқасига олди. Мўлжалда адашмади. Чойнак Мўҳсиннинг бошига тегиб, хушидан кетказди.

Ҳозиргина уни янчиб ташлашга тайёр турган Маъмурбек ўқасининг аҳволини қўриб, тезда шифохонага олиб кетди. Бирок гишт қолпидан қўчиб бўлганди. Шифокорларнинг сай-ҳаракатларига қарамай, Мўҳсин Мамажонов олган тан жароҳати оқибатида 2 кундан кейин оламдан қўз юмди.

Ана энди онанинг аҳволини ҳис қилиш қийин эмас. Ҳовлилар ўртасига девор қуриш муаммоси сабаб бир-бирига ёв каби ташланган фарзандларининг бири бу ёруғ оламини тарк этди, иккинчиси эса панжара ортида. Онага бундан ҳам ортқ, мусибат бормикан? Аслини олганда, ака-укалар қизиққонлик ёшидан ўтган, ҳаётнинг паст-баландини кўриб, фарзандларини катта ҳаётга тайёрлайдиган даврда эдилар.

Бу воқеага ортқча изоҳ беришга ҳожат йўқ, фикримизча. Ҳар ким ўзи хулоса чиқаради. Шу ўринда бир ривоятни келтиришни жоиз, деб билдик. Ривоят қилишларича, қадим замонда ота-онаси вафот этган ака-укага бир қўп бодой мерос қолади. Ака-ука мерос ҳақиға хийнат қилмай, уни теппа-тенг бўлиб оладилар. Шу кун акани ҳаёли олиб қочади: "Укам ҳали уйланмаган, ҳам ўзини боқибши керак, ҳам тўйга йиғиши керак. Болаларимнинг ризқини Аллоҳнинг ўзи беради", деган ўйда омборхонага кириб, ўзига ажратилган улшудан ўқасининг қолиға тўқади. Шу кун укам ҳам тинч ўхлай олмади: "Мен битта қорнимни эплаб тўйдириб юрардим. Акамнинг оиласи қийналиб қолиши мумкин", дея у ҳам омборхонага кириб, ўзининг улшудан ақасининг қолиға тўқади. Бу хол ҳар кун тақорланавари. Аммо иккала қолдаги бугдойдан бир мисқол ҳам қамаймади. Шунда ака-укалар ажабланиб, бир доно кишининг хузурига боришди. У воқеадан хабар топгач, "Бир-бирларингизга меҳр-оқибатли бўлганингиз учун Аллоҳ сизларнинг ризқингизга шундай барака берибди", дея жавоб қилган экан.

Баъзи ака-укаларнинг бир-бирларига бўлган ҳурмат, меҳр-оқибатини кўриб, ҳавасинг келади, улардан ўрнат олишга ҳаракат қиласан. Аммо айримларнинг муносабатидан нафратланиб кетасан киши. Бир қориндан талашиб тушган ота-иниларнинг ер, уй-жой, бойлик талашини, ораларига совуқчилик тушиши аянчли ҳолат, албатта. Ачинарлиси эса, улар ўртасига низо соған нарсалар қондошлик ривожларини узишга аризмайсин. Қўйлағи воқеада ҳам бунга ўзингиз гувоҳ бўлишингиз мумкин.

Ака-ука Маъмурбек ва Мўҳсин Мамажонов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ёнма-ён қўшни бўлиб яшашарди. 2012 йилнинг 14 декабрь кўни Мўҳсин ўз уйида онаси, хотини ва ўли билан суҳбатлашиб ўтирган пайт акаси Маъмурбек кириб келди. Катта ўғлини кўрган она, ҳолимдан хабар олгани чикқан бўлса керак, дея суюнган бўлиши табиий. Аммо Маъмурбекнинг мақсади ўзгача эди. Онасининг яхши ниятлар билан қилган дуосидан сўнг юзига фотиҳа тортиб, Мўҳсинга юзланди ва томорқани тенг бўлиб, ҳовлилар ўртасидаги ариқ ўрнига девор қуриш масаласини ўртага ташлади. Буни ҳал қилиш учун биргалашиб, кадастр бўлимига бориб-келиш кераклигини билдирди.

Аммо Мўҳсин девор қуришга ҳожат йўқлигини, шунингдек, ҳеч қаерга бормаслигини айтган эди, ўқасига гапи ўтмаганидан жаҳли чикқан Маъмурбек энди каттиқроқ гапирди. Бу укага ёқмади. Икки ўртада даҳанаки жанг бошланди. Фарзандларининг ўртасига тушган она ҳам уларни тўхтатиб қоллолмади. Келимини-ку, айтмаси ҳам бўлади. Даҳанаки жанг муштлашувга айланиб, ука акасини ётқизиб олиб, ура кетди. Она билан Мўҳсиннинг хотини бир амаллаб уларни

Маълумки, коррупция ва порахўралик илатлари мамлакат тараққиётига зиддир. Ҳақдорлик жиноят турига киради. Бутун юртимизда хуқуқ-тартибот органлари томонидан бундай турлаги жиноятларга қарши кескин чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Уларнинг сай-ҳаракатлари натижасида ўз мансаб ваколатини суистеъмол қилиб, тамағирлик ва порахўралик каби жиноятларга қўл ураётган кимсаларнинг қилмишлари фош этилиб, тегишли жазога тортилмоқда. Аммо қонун посбонларидан айримларининг нафс қулиға айланиб, шу турлаги жиноятга қўл ураётгани ачинарли ҳол, албатта.

Тамағир инспектор

Тўргун КАМОЛОВ,

Зангиота туман прокуратураси катта терговчиси

Хожиакбар Касимов Тошкент вилояти ИИБ ЙҲХБ ЙПХ батальони 4-отряд инспектори лавозимида ишлаб келатган эди. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бу ишда касбга бўлган садоқат ва ўз хизмат вазифасига виждонан ёндашиш талаб этилади. Бироқ Х.Касимов бу масъулиятни ўзгача бир имконият деб билиб, тамағирликка "қўл чўзди".

2012 йилнинг 10 ноябрь кўни фуқаро Хусан Абдуазимов Ўзбекистон Республикаси МХХ Тошкент вилоят бошқармасига ариза билан мурожаат қилиб, Хожиакбар Касимов фуқароларнинг ҳужжатлари ва юкларини текширмасдан ўтказиш эвазига ундан 130 минг сўмни пора тариқасида талаб қилганини баён этди. Унинг аризасига асосан 22 ноябрь кўни Зангиота туман прокуратураси ҳамда МХХ Тошкент вилояти бошқармаси ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда инспектор Х.Касимов ўзининг бошқарувдаги автомашина ичида фуқаро Х.Абдуазимовдан 130 сўм пулни пора тариқасида олаётган вақтда ашёвий далиллар билан қўлга олинди.

Айтанча, у тадбир ўтказилишидан 2 соатча олдин ҳам худди шундай "хизмат" учун фуқаро Х.Ишимовадан 170 минг сўм пора олиб улгурган экан. Шунингдек, тадбир давомида унинг автомашинаси юкхонасидан топилаган, целлофан пакетта ўралган "марихуана" гиёҳвандлик моддаси ҳам ашёвий далил сифатида расмийлаштирилди.

Суд-наркология экспертизасининг хулосасига кўра, Х.Касимов гиёҳвандлик касаллигига йўлқулиб ва унинг тиббий йўсундаги мажбурий даволалишига муҳтож эканлиги қайд этилди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди томонидан Х.Касимовга қилмишига яраша тегишли жазо тайинланди.



Мансабдорлар ҳибсга олинди

Хитойда 121 кишининг ўлимига олиб келган парранда фабрикасида юз берган ёнгин сабабли 11 нафар давлат хизматчилари масъулиятсизликка айбонлиб, ҳибсга олинди.

Улар орасида ёнгин содир бўлган "Мишацзи" аҳоли пункти бошлиғи Сун Лиминь, шаҳар округи ёнгин хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи ҳамда ушбу муассасанинг бир неча ўт ўчирувчилари бор.

Худуд прокуратурасининг маълумотларига кўра, давлат хизматчилари ёнгинга қарши тизимни ўз вақтида жиддий кўриқдан ўтказишмаган. Полиция эса бу текширишлар амалга оширилмаётганилигини ўз вақтида аниқлашга жавобгар бўлган.

Хитойнинг шимоли-шарқидagi Дэхуэй шаҳар округидagi ёнгин 3 июнь куни юз берган эди. Дастлабки маълумотларга қараганда, ёнгин келиб чиқишининг сабаби қисқа туташув бўлган. Бинода бўлган 350 нафар ишчидан юз нафари уни тарк этолмай, ҳалок бўлишган. Яна 76 нафари яраланган.

Корхона "Jilin Baoyuanfeng Poultry" корхонасига тегишли бўлиб, у парранда гўштини ишлаб чиқаришда пешқадамлардан бири ҳисобланади. Унда 400 нафарга яқин киши ишлаган.

Нигерия жангариларга қаршилик кўрсата олмаяпти


Нигериянинг Мамудо шаҳридаги мактаб-интернатга экстремистик жангариларнинг ҳужум қилиши оқибатида 42 киши ҳалок бўлган.

Жангарилар мактаб биносини ёқиб юборишган ва ўқувчиларни ўққа тутишган. Тирик қолганлар қуйиш ва ўқдан яраланиш жароҳати билан касалхоналарга ётқизилган.

Маълумотларга кўра, 2010 йилдан бери Нигерияда жангариларнинг бир неча мактабларга ҳужум қилиши оқибатида 1,6 минг киши ҳалок

бўлган.

Шу йилнинг май ойида Нигерия президенти Гудлак Жонатан мамлакатнинг шимоли-шарқий ҳудудига "Боко Харам" жангари гуруҳи аъзолари томонидан таҳдид солаётгани учун учта штатда фавқулодда ҳолат эълон қилган эди. Хабарларга кўра, ҳозирга келиб мамлакат армияси Майдугури шаҳри ва Чад ҳамда Нигер давлатлари чегарасидан жангариларни қувиб чиқаргани айтилмоқда.



Дунёдаги энг улкан бино

Хитойнинг Синчуань провинциясида дунёдаги энг улкан бинонинг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.

Чэнду шаҳрида жойлашган кўптармоқли "The New Century Global Center" мажмуасининг майдони 1,76 миллион квадрат метрни ташкил қилади. Бинонинг узунлиги 500 метр, кенглиги 400 метр, баландлиги 100 метр бўлиб, унинг қурилишига уч йил вақт сарфланган.

Маълумотларга қараганда, ушбу мажмуада 400 минг квадрат метр келадиган савдо майдони, офислар, иккита беш юлдузли меҳмонхона, замонавий санъат маркази, университет мажмуаси, анжуман заллари, 14 та "IMAX" кинотеатр заллари, яхмак ва 400 метр суْنый пляжга эга аквапарк мавжуд.

Марказнинг аҳамиятли томони унинг "суْنый кўёши" бўлиб, бинонинг иситиш ва ёритиш тизими Японияда ишлаб чиқарилган махсус тизим орқали ишлайди.

Бир ҳафта аввал Индонезиянинг Суматра оролида 6,2 магнитудали зилзила рўй бергандан сўнг "Бурни-Телонг" вулқони фаоллашди. Индонезиянинг Ачех провинциясида зилзиладан жабр кўрган аҳоли фаоллашган "Бурни-Телонг" вулқонидан саросимага тушиб, қочмоқда.

Юзага келган 6,2 магнитудали зилзиладан кейин мазкур ҳудудда яна 5,5 ва 5,3 магнитудали зилзалар рўй берган. Уларнинг эпимаркази ҳам Ачех провинциясида, 10 км чуқурликда бўлиб ўтганлиги таъкидланмоқда.

Маълумотларга қараганда, бу ерда кучли зилзила содир бўлгандан сўнг яна 60 дан



ортиқ ички ва 50 та майда вулқонли ер силкинишлари аниқланган. Вулқоннинг баландлиги денгиз сатҳидан 2 минг 16 метрни ташкил қилади.

Суматрадаги ер силкиниши қурбонлари сони ҳозирда бир неча нафарни ташкил қилмоқда. Зилзила юзлаб уйларни вайрон қилган.

«HYUNDAI» жарима тўлайди



HYUNDAI

АҚШ суви жабранувчи Закари Дунканнинг даъвосига биноан, йўл транспорт ҳолисаси пайтида хавфсизлик ёстиқчасининг ишламагани учун "Hyundai Motor" компаниясини 14 млн. АҚШ доллари миқдоридagi жаримга тортиб, ушбу суммани даъвогарнинг оиласи фойдасига унаирилишини талаб қилди.

Дункан адвокатининг сўзларига қараганда, хавфсизлик ёстиқчаси датчикларнинг нотўғри ўрнатилганлиги сабабли ишламаган. Ушбу йўл транспорт ходисаси 2010 йилда содир бўлган. "Hyundai Tiburon" автомобилни бошқариб кетаётган Дункан исми хайдовчи бунинг оқибатида миясидан жароҳат олган.

Ўз ўрнида "Hyundai" вакили компания раҳбарияти суднинг бундай қароридан норози эканлигини маълум қилган.



200 ёшли балиқ тутилди

Аляскада яшовчи Генри Лейбман исми киши тутиб олган денгиз олабуга балигининг ёши 200 йилга тенг экани айтилмоқда.

Лекин бу ҳозирча тахмин, ҳолос. Мутахассисларнинг фикрича, ушбу балиқнинг ёши ҳақиқатдан ҳам 200 йилдан кам бўлмай, буни қилтановидаги айланалар сонидан билиб олса бўлади. Лейбман эса балиқни қотириб, эсдалikka олиб қўймоқчи.

Денгиз олабуга балиғи узок умр кўриши билан ажралиб туради. Айрим турлари ҳатто 50-100 йил ва ундан ҳам кўпроқ умр кўриши мумкин. Шу пайтгача унинг 175 ёшли вакили — энг ёши кекса балиқ сифатида эътироф этиб келинар эди.

Агар Лейбман тутиб олган балиқнинг ёши ҳақиқатдан 200 йиллиги тасдиқланса, у ҳолда овчи Рекордлар китобига киритилиши мумкин.

«Twitter»да автоматик таржима

"Twitter" микроблогининг веб-талқини Microsoftга тегишли Bing технологияси ёрдамида ёзувларни автоматик тарзда таржима қилишни ўрганди. Ҳозирча янги хизматни барча фойдаланувчилар ишлата олишмаяпти.

Айни пайтда компания янги функцияни синовдан ўтказаяпти. Шу сабабли ҳали бу ҳақда расмий баёнот

ҳам берилганича йўқ. Шунга қарамай, баъзи фойдаланувчилар ҳозирданок ушбу хизматдан фойдаланиш имконига эгалар.

Табиийки, автоматик таржимани беникусон деб бўлмади. Шундай бўлса ҳам, у сизга бошқа тилда хабар ёзган одам-

нинг фикрини қисман англаш имконини беради. Янги хизматнинг киритилиши уни янада кўпмиллатли бўлишига ёрдам беради, фойдаланувчилар бошқа тилда гаплашадиган машҳур шахсларнинг фикрларини ҳам кузатиб бориш имконига эга бўлади.

«Samsung» рекорд даромад олмоқчи

Жанубий Кореянинг "Samsung Electronics" корпорацияси 2013 йилнинг иккинчи чорағида ўз тарихидаги рекорд даромадни кутмоқда. Бу ҳақда компания раҳбарияти маълум қилган.

Дастлабки маълумотларга қараганда, "Samsung" компанияси-нинг операцион даромади шу йилнинг иккинчи чорағида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 47 фоиз бўлиши кутилмоқда. Компания ҳозирча аниқ рақамларни айтма олмаяпти. Бироқ шуниси маълумки, 2012 йилда компаниянинг операцион даромади апрель-июнда 6,46 триллион вон (5,7 миллиард АҚШ доллари)ни ташкил қилган экан.

2013 йилнинг биринчи чорағида компаниянинг операцион даромади ҳақидаги ҳисоботга кўра, даромад 8,78 триллион вон (7,7 миллиард доллар)ни ташкил қилган. Шу тарзда компания операцион даромадининг ўсиши ўтган чорақка нисбатан 8,2 фоизни ташкил қилди. Биринчи чорақда "Samsung" даромадининг ўсишини смартфонларнинг сотилиши билан боғлади.

Компаниянинг савдо ҳажми дастлабки баҳолашларига кўра, иккинчи чорақда 57 триллион вон (50 миллиард доллар)ни ташкил қилиши мумкин.





Тадбиркорлик тараққиёти турмуш фаровонлиги демакдир

Муҳтарам Президентимиз томонидан банк тизими олдига қўйилган вазифалар ва талабларни ижро этиш бўйича "Асака" давлат акциядорлик тижорат банки Тошкент шаҳар филиали томонидан банк асосий кўрсаткичларини илдам ўсишини таъминлаш, юқори ликвидлик ва барқарорликка эришиш, ички бозор ва экспорт талабларига мос маҳсулотлар ишлаб чиқарилган ва хизматлар кўрсатилган миқозларга юқори сифатли банк хизматларини кўрсатиш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда.

Банк филиали миқозларга барча турдаги банк хизматларини, жумладан, ҳисоб-касса хизматлари, пул маблағларини сақлаш, миллий ва хорижий валютада кредитлар ажратиш, лизинг амалиётлари каби хизматларни кўрсатиб келмоқда. Аҳолидан ва юридик шахслардан жалб этилган маблағларни иқтисодиётнинг реал секторига самарали йўналтириш, бу маблағларни омонатчилар, миқозлар ва акциядорларнинг манфаатларига мос равишда қўлайтириш бормоқда. Бунда "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун", деган энг асосий тамойил дастуриламал бўлмоқда.

Филиал томонидан ҳўжалик, корхона ва ташкилотларнинг ўзаро ҳисоб-китобларини тезлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ривожлантириш, корхона ва ташкилотларнинг молиявий аҳолини яхшилаш борасида ҳукуматимиз томонидан чиқарилган қарор ва фармонларнинг бажарилишини таъминлаш борасида изчил ишлар олиб борилмоқда.

2013 йил 1 июль ҳолатига кўра, банк филиали жами кредит қўйилмалари қолдиғи 100,7 миллиард сўмни ташкил

қилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 21,3 млрд. сўмга ўсди.

Мамлакатимизда янги мулкдорлар синфи жадал шаклланаётган, кичик ва хусусий корхоналар, тадбиркорлик билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар сафи кенгайиб бораётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Уларнинг ривожланишига тўқимлик қилаётган энг асосий муаммолардан бири ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун бошланғич капитални, яъни дастлабки молиявий сармоянинг етарли эмаслигидир. 2013 йил 1 июль ҳолатига, банк филиали томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ривожлантиришга 41,7 миллиард сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди.

— Тошкент шаҳар Яккасарой туманида аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш, мазкур ҳудудни санитария нормаларига мос равишда озода сақлаш ва ободонлаштириш мақсадида лизинг асосида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган "MAN" чикинди ташийш автомобилларини олиш учун "Асака" банк Тошкент шаҳар филиалига мурожаат этдик, — дейди "RESPONSIBLE CARE" МЧЖ раҳбари

И.Мамадхаджаев. — Банк ходимлари бизнинг сўровимизни қисқа муддатда қўриб чиқиб, ҳал этиб бердилар. Лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида 12 та янги иш ўринлари яратилди. Ҳозирда Яккасарой туман аҳолисига сифатли хизмат қилиб келмоқдамиз. Биз "Асака" банк хизматларидан миннатдор-миз ва уларнинг ишларида омад тилаймиз.

— Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка алоҳида эътибор берилиб, зарур шарт-шароитлар яратилаётганлиги биз тадбиркор ва ишбилармонлар учун катта имкониятлар яратмоқда, — дейди "SPETSKOMPLEKTORG" МЧЖ раҳбари С.Миртолипов. — Банкларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлашлари биз учун айни муддао бўлмоқда. Бизнинг корхонамиз ҳам бу имкониятлардан унумли фойдаланмоқда. Тошкент шаҳридаги автомобилларни газга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида хорижда ишлаб чиқарилган замонавий, жаҳон стандартларига тўла жавоб берадиган автомобилларга газ ёқилгисини қўйиш шохобчаси учун ускуналар сотиб олишни режалаштирдик ва режамизни амалга ошириш мақсадида республикамизда етакчи банклардан бири бўлиш "Асака" банкнинг Тошкент шаҳар филиалига мурожаат этдик. Банк жамоаси бизнинг кредитга бўлган талабимизни тезликда қўриб чиқиб, ижобий ҳал этди. Банк кредити ҳисобига хорижда ишлаб чиқарилган автомобилларга газ ёқилгисини қўйиш ускуналари келтирилди ва ўрнатилди. Бу эса Тошкент шаҳар

аҳолисига, уларнинг автомобил газига бўлган талабини қондиришга кенг имкониятлар яратди.

Банк филиали томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Озқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2009 йил 26 январдаги Қарорига асосан 20,2 миллиард сўмдан зиёд миқдорда кредит маблағлари ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони-га асосан филиал томонидан тадбиркор аёллар иш фаолиятини ривожлантириш мақсадида 600,0 миллион сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди.

Жорий йилда "Асака" банк Тошкент шаҳар филиали аҳоли ва ҳўжалик юри-тувчи субъектларга тақдим этилаётган банк маҳсулотлари ва хизматлари тур-ларини кенгайтириб, сифатини яхшилаш ва банк амалиётлари тезкорлигини яна-да ошириш бўйича фаол ишлар олиб бо-ришни мақсад қилган. Банк филиали ис-тиқболли лойиҳалар, ғоялар устида ти-нимсиз изланиб, миқозлар эҳтиёжи учун мақбул ва қўлай бўлган хизмат турлар-ини кенгайтириб бормоқда. Бу эса улар-нинг турмуш фаровонлигини ошириш, Тошкент шаҳар иқтисодиётини ривожлан-тириш ва турли ижтимоий муаммоларни ҳал этишда ўз самарасини бермоқда.

Ўз мухбиримиз

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан ўтказиладиган оммавий оферта савдоларига таклиф этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 31 майдаги 1543-сонли қарорига асосан сотилиши бел-гиланган давлат активлари, "Давлат тасарруфидан чиқари-ш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Рес-публикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 21 июлдаги 145-сонли қарори билан тасдиқланган Низом ва 2009 йил 29 январдаги 27-сонли қарорининг 2-иловида билан тасдиқ-ланган Низомларига мувофиқ оммавий оферта савдосига чиқариламоқда.

Сотиш таклиф қилинаётган давлат активининг номи, сони, тасифи ва давлат активи ҳойлашган жойи:

Ғаллаорол тумани Гулистон ҚФЙ Шерқонгли қишло-ғида жойлашган 46-сонли мактабнинг шийпон биноси: — объектнинг бошланғич баҳоси 39 578 200 (ўттиз тўққиз миллион беш юз етмиш саккиз миң икки юз) сўм, сотиб олиш тўловини ва маъиший хизмат кўрсатиш шарти билан 10,0 (юз) миллион сўмдан кам бўлмаган миқдорда қўшим-ча инвестиция киритиш мажбуриятини таклиф этиш; — умумий ер майдони 741,0 кв.м. — бино ва иншоотларнинг эғаллаган ер майдони 316,8 кв.м.:

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Самарқанд вилоят филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Савдога Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг 2012 йил 25 апрелдаги 1743-сонли қарорига ва Ўзбекистон Рес-публикаси Хусусийлаштириш, монополия-дан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 8 июлдаги 5-П-сонли буйруғига асосан, Самарқанд вилояти ИИБ Ёнгин хавфсизлиги бош-қармасининг 8-бўлимасига қарашли, Ур-ғут тумани, Дўстлик маҳалласи, "Почвон" кўчасида жойлашган, бошланғич баҳоси — 97 378 417 сўм бўлган (кейинги ўйинларда "Давлат активи" деб юритилган) бўш ту-рган бино ва иншоотлари очик аукцион сав-досига қўйилмоқда.

Давлат активини балансла сакдовчи: Са-марқанд вилоят ИИБ Ёнгинга қарши ку-рашиш бошқармаси 8-бўлими.

Балансла сакдовчининг иxtисослиги: Ёнгинга қарши курашиш. Умумий ер майдони 1844,87 кв.м., бино ва иншоотлар эғаллаган ер майдони 336,44 кв.м. Сув, газ, электр тармоғи мавжуд. Савдо 2013 йил 15 август куни соат 11:00да бўлиб ўтади. Буюртманомалар рас-мий шп кунлари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади (13:00дан 14:00гача туш-ли). Буюртманомаларни қабул қилишининг охириги муддати: 2013 йил 13 август куни соат 18:00.

Юқоридagi "Давлат активи" 2013 йил 15 августдаги савдода сотилмаган тақдир-да, такрорий аукцион савдолари 2013 йил 29 август, 12, 26 сентябрь кунлари соат 11:00да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар

учун буюртманомалар қабул қилишининг охириги муддати: 2013 йил 29 августдаги савдо учун 27 август куни соат 18:00; 12 сентябрдаги савдо учун 10 сентябрь куни соат 18:00, 26 сентябрдаги савдо учун 24 сентябрь куни соат 18:00да тўхтатилади.

Талабгорлар "Давлат активи" бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқ-дордаги закалат пулини буюртманомалар қабул қилинадиган охириги кунгача "КМСХ" МЧЖ Самарқанд вилоят филиалининг АТИБ "Ипотeka бo" Кўксарой филиали-да: 2020800604920609025, МФО:00262, ИНН:207122519 х/р га тўлашлари шарт.

Савдо натижаларига кўра ғолиб чиққан иштирокчи 20 кун ичида сотувчи (Ўзе-бекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ри-

вожлантириш Давлат қўмитаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Тўланган закалат пули "Давлат активи-ни" сотилиш баҳосининг 15 фоизидан кам-ни ташкил эти, савдо ғолиб давлат ак-тивининг олди-сотди шартномаси тузил-гунга қадар сотувчи ёки савдо ташкилот-сининг банк ҳисоб рақамига етишмаёт-ган суммани тўлаши шарт.

Буюртманомалар қабул қилинадиган ва аукцион ўтказиладиган манзил: Самарқанд шаҳар, Бўстонсарой кўчаси, 85"А"-уй 2-қават, 210-хона. Тел.: (факс) (8-366) 233-80-56. www.1kms.uz, tieltsavdo@inbox.uz Лицензия: RR-0001.

Хизматлар лицензияланган

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқар-маси томонидан 2013 йил 12 августда ўтказиладиган тўғри-дан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий офер-та) билан сотиладиган Тошкент шаҳар ҳўжамияти "Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг" компанияси тасарруфи-даги бундан бўён "Объект" деб аталувчи Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Бектемир (собиқ Сувчи) кўчаси, Чо Мен Хи кўчасида жойлашган майдони 9886 кв.м.етрага тенг бўлган қурилиш тугалланмаган полиглинка биносини сотиб олиш-га таклиф этади.

"Объект"нинг оммавий оферта орқали сотилишининг асо-сий шартлари этиб қўйилганлиги белгиленган: — объектнинг бошланғич нархи: 1 049 271 287,0 (бир миллиард қирқ тўққиз миллион икки юз етмиш бир миң икки юз саксон етти) сўм;

- энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
- ушбу "Объект" учун камида 1 049 271 286,0 (бир мил-лиард қирқ тўққиз миллион икки юз етмиш бир миң икки юз саксон олти) сўм миқдорда инвестиция киритиш маж-буриятини олиш;
- қисқа муддат ичида (кўпи билан 1,5 йил) қурилиш меъёрий қондалари (КМК) талабларига мувофиқ қури-лишини тугатиш;
- янги иш ўринларини ташкил этиш;
- харид қиймати ва қўшимча инвестицияларни кири-тишни қисқа муддатларда амалга ошириш (инвестиция киритиш муддати кўпи билан 1,5 йил муддат ичида).

Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжа-лар:

- сотувчининг банк ҳисоб рақамига объектнинг бош-

ланғич нархнинг 15 фоизидан кам бўлмаган гаров сумма-си;

— таклифлар ва керакли ҳужжатлар солиingan ва мухр-ланган конвертлар, икки нусхада.

Савдо ғолибига савдо кундан бошлаб йитирма кун му-дат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шарти юк-латилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан ариза-ларни қабул қилиш оферта савдосига 3 соат қолганда тўх-татилади.

Музокаралар 2013 йил 12 август куни соат 16:00да Тош-кент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шoҳ кўчаси, 16"А"-уй манзилда ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар: 233-22-83, 233-74-72

Хизматлар лицензияланган

